БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 26 (517)

5 ФЕВРАЛЬ ЯКШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Ишлаб турган корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш, мавжуд ишлабчиқариш қувватларидан яхши фойдаланиш, эскириб қолган машина-ускуналарни модернизация қилиш ва алмаштириш, „тор жойларни“ йўқотиш йўли блан, шунингдек корхоналарнинг кўпроқ бир меʻёрда ишлашини ташкил қилиш ва маҳсулотни бир текис ишлаб чиқариш, моддий-техника таʻминоти ишларини ва ишлабчиқаришни планлаштиришни яхшилаш йўли блан маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш таʻминлансин.

(СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956 — 1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX сʻездининг Директивалари проектидан).

Оғир саноатни янада ривожлантирайлик

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX сʻездининг Директивалари проекти социалистик экономикамизни янада юксалтиришнинг буюк программасини белгилаб берди.

Олтинчи бешйиллик планнинг асосий вазифаларидан бири—**оғир саноатни устун даражада ривожлантиришдан** иборатдир. КПСС XX сʻезди Директивалари проектида маҳсулотнинг умумий ўсиши олтинчи бешйиллик мобайнида тахминан 65 процент миқдорида белгиланган бўлса, ишлабчиқариш воситалари ишлабчиқариш тахминан 70 процент миқдорида белгиланади. Қора ва рангли металлургияни, нефть, кўмир ва химия саноатини янада ривожлантириш, электростанциялар қурилишининг илдам сурʻатлар блан боришини таʻминлаш, машинасозликни, айниқса техника жиҳатдан такомиллаштирилган станоклар, темирчилик-пресслаш машиналари, автоматика воситалари ва асбоблар ишлаб чиқаришни тез ўстириш—олтинчи бешйилликнинг саноат соҳасида биринчи навбатдаги вазифаларидир.

Иттифоқ ҳукуматининг доимо кўрсатиб келаётган ғамхўрлиги ва улуғ рус халқининг бевосита ёрдами туфайли республикамиз, шу жумладан областимизда ўтган бешйилликлар мобайнида ишлабчиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи оғир саноат мисли кўрилмаган даражада тез сурʻатлар блан ривожланди. Областимиз меҳнаткашлари кўмир ҳавзасига, металлургия, химия ва машинасозлик саноатига, «Ташсельмаш», «Чирчиксельмаш», «Ўзбексельмаш», «Средазхиммаш», «Таштекстильмаш» каби оғир саноатнинг иттифоқ аҳамиятига эга бўлган бошқа йирик корхоналарига эга бўлдилар.

«Таштекстильмаш», «Под'ёмник», «Главзаготхлоппром»нинг Тошкент механика заводлари каби ўнлаб машинасозлик корхоналари Иттифоқимиздаги барча қардош республикаларга пландан ташқари миллион-миллион сўмлик маҳсулот юбормоқдалар. Бу илғор корхоналар коллективлари маҳсулотнинг миқдорини кўпайтириш учунгина эмас, балки унинг ассортиментини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, таннархини камайтирин учун ҳам астойдил курашмоқдалар.

«Таштекстильмаш» заводининг коллективи давлат ишлабчиқариш планларини доим ошириб бажариш блан бирга янги, такомиллашган станоклар ишлаб чиқаришни кўпроқ ўзлаштириш учун ҳам астойдил курашмоқда. Ўтган йили тўқимачиларга бирнеча янги хил машиналар ишлаб берган бу коллектив шу йилнинг ўзида яна 10 хилга яқин енгил, кам габаритли, иш унуми юқори бўлган янги станоклар тайёрлашни ўзлаштириш ва серияли тарзда ишлаб чиқаришни бошлаб юбориш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Конструктор ва технологларнинг жонбозлик кўрсатиб ишлаши натижасида ҳозирнинг ўзида икки янги машинанинг дастлабки намуналари тайёрланди, бу машиналар синовдан ўтказилмоқда.

Ғалабалар олдида асаларамаслик, қўлга киритилган ютуқлар блан қаноатланиб қолмаслик, бутун куч ва билимни янги, янада мураккаброқ вазифаларни бажаришга сафарбар этиш—совет кишиларига хос энг яхши хислатдир. Областимиздаги машинасозлик корхоналарининг коллективлари олдида турган муҳим ва сра кечиктириб бўлмайдиган вазифа—пахта экучи районлардаги совхоз ва машина-трактор станцияларини янги типдаги қишлоқ хўжалик машиналари, шунингдек тўқимачилик, химия, озиқ-овқат саноат корхоналари ва қурилиш объектларини янги ва такомиллашган станоклар, агрегатлар, бинокорлик машиналари блан тобора кўпроқ таʻминлашдан иборатдир. Кўкламги экиш-кўтгичга корхоналарда, шунингдек Россия Федерацияси ва Грузиянинг колхозларида кўриш мумкин бўлди. Болгарияли меҳмонлар, корхоналар ва колхозларда кўпгина баднй ҳаваскорлик коллективлари блан танишганликларини, бу коллективлар профессионал коллективлар блан бемалол рақобат қилиши мумкинлигини гапириб бердилар.

Депутатларнинг айтишига қараганда, қонли жанглар бўлган жойда янгидан қурилган қаҳрамон-шаҳар Сталинград уларда унутилмас таассурот қолдирган. Ҳозир бу шаҳар илгаригига қараганда ҳам гўзалроқ шаҳар бўлиб қолган. Меҳмонлар СССРда бўлган вақтларида ҳамма жойда уларни совет халқи ҳурсандлик блан қардошларча кутиб олганлигини айтиб ўтдилар.

Суҳбатнинг охирида Ф. Козовский делегация аʻзолари номидан ўртоқ К. Е. Ворошиловни 75 ёшга тўлиши муносабати блан қизғин табриклади ва К. Е. Ворошиловга сиҳат-саломатлик ва кўп йиллар умр кўришни тилаб истак билдирди.

Қабул маросимида СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. М. Пегов, СССР Ташқи ишлар министрининг Биринчи ўринбосари А. А. Громико, СССР Ташқи ишлар министрлиги Европа бўлими мудирининг вазифасини бажаруччи К. Д. Левичкин, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Ташқи ишлар министрлигининг масʻул ходимлари, болгар ва совет журналистлари ҳозир бўдилар. (ТАСС).

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов блан Афғонистон Короли Муҳаммад Зоҳир шоҳ Ҳазрат Олийларининг бир-бирларига юборган мактублари

СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг Аʻзоси ўртоқ Н. С. Хрушчев Афғонистонда бўлган вақтларида Афғонистон Короли Муҳаммад Зоҳир шоҳга СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. Ворошиловнинг табрик Мактубини топширган эдилар.

Афғонистон Короли Муҳаммад Зоҳир шоҳдан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. Ворошилов номига жавоб Мактуби олинди.

Қуйида мактубларнинг текстлари эʻлон қилинади.

Афғонистон Короли Муҳаммад Зоҳир шоҳ Ҳазрат Олийларига

Ҳазрат Олийлари,

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва Олий Совет Президиумининг Аʻзоси Н. С. Хрушчев Афғонистон Король Ҳукуматининг илтифот блан қилган таклифига мувофиқ Сизнинг мамлакатингизга жўнаб кетмоқдалар. Мен шу дўстона Мактубни улар орқали Сизга юбориб, Совет Иттифоқи блан Афғонистон ўртасида кўпдан буён яхши қўшничилик муносабатлари ва самимий дўстлик мавжуд эканлигидан мамнун бўлганлигимни хурсандчилик блан изҳор қиламан. Бу яхши қўшничилик муносабатлари ва самимий дўстлик мамлакатларимизнинг ҳаётий манфаатларига жавоб беради.

Мен шу нарсани айниқса зўр қувонч блан таʻкидлайманки, Афғонистон Совет давлати блан дипломатия муносабатларини биринчи бўлиб ўрнатган мамлакатлардан бири бўлди ва Совет Иттифоқи халқлари Афғонистоннинг ўз миллий мустақиллигини барқарор ўрнатиш йўлидаги интилишларини қизғин қувватлаб, мамлакатингизнинг мард ва меҳнатсевар халқига нисбатан самимий ҳурмат туйғуларини изҳор қиладилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришда ва умумий тинчликсеварлик ишларида Сиз Ҳазрат Олийларининг шахсан иштирок қилаётганлигингизни ғоят қадрлайди.

Ишонч билдириб айтаманки, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва Олий Совет Президиумининг Аʻзоси Н. С. Хрушчевнинг яхши ният блан Сизнинг мамлакатингизга қилаётган визити бир-бирларининг территориал бутунлигини ва суверенитетини ўзаро ҳурмат қилиш, ҳужум қилишмаслик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик ҳамда тинч тотув яшаш асосида Совет Иттифоқи блан Афғонистон ўртасидаги дўстона муносабатларни янада кўпроқ мустаҳкамлайди.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, Ҳазрат Олийлари, шахсан Сизга ва афғон халқига самимий табрикларимни ва энг яхши тилакларимни хурсандчилик блан изҳор қиламан.

Ҳазрат Олийлари, Сизга нисбатан самимий ҳурматимни қабул қилгайсиз.

К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Жаноб Олийларига

Жаноб Олийлари,

Биз Сиз Жаноб Олийларининг дўстона Мактубингизни олиб хурсанд бўлдик ва Сиз Жаноб Олийлари изҳор қилган яхши ва дўстона туйғулар учун самимий ташаккур билдирамиз.

Афғонистон блан Совет Иттифоқи ўртасидаги самимий ва дўстона яхши қўшничилик муносабатлари, Сиз айтгандек, кўпдан буён давом этмоқда ва бу муносабатлар ҳар иккала мамлакатнинг умумий манфаатларини кўзлаб сақлаб келинмоқда ҳамда мустаҳкамланмоқда.

Совет Иттифоқи халқларининг Афғонистон халқига нисбатан изҳор қилган самимий туйғу ва ҳурматига жавобан Афғонистон халқининг Совет Иттифоқи халқига самимий туйғулари ва ҳурматини изҳор қилиш биз учун ёқимлидир.

Ҳар иккала мамлакат ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва умумий тинчликни сақлаш бизнинг асл тилагимиз ва халқимизнинг тилаги ҳамда ҳукуматимизнинг қаттиққўллик блан амалга ошираётган равшан сиёсатининг мақсади бўлиб, дунʻёдаги барча мамлакатлар халқларининг миллий фаровонлиги ва бахтиёр бўлиши йўлидаги интилишдан иборат умумий вазифамизга мунсибдирки, биз бундан жуда хурсандмиз.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг мамлакатимизга қилган дўстона сафари ана шу туйғу ва интилишларнинг яққол ифодаси ва уларни тасдиқловчи далилдир. Биз, яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш ва бир-биримиз блан яхшироқ танишиш мақсадида қилинган ана шу сафарнинг натижаларидан ғоят мамнунмиз. Манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш ҳар иккала мамлакат ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари учун асос бўлиб, бизнинг умид ва ишончимизни оширади. Шу блан бирга, биз тинчликсеварлик, дунʻёдаги барча халқлар блан ҳамкорлик ва дўстлик принципларига асосланиб, бутун инсоният олдидаги ўз бурчимизга риоя қиламиз ва ўз халқимизга хизмат қиламиз.

Мактубнинг охирида Жаноб Олийлари, шахсан Сизга самимий ва дўстона истакларимизни ҳамда Совет Иттифоқи халқининг равнақ топишини истаганлигимизни изҳор қиламиз.

МУҲАММАД ЗОҲИР ШОҲ.

Совет Иттифоқи блан Болгария Халқ Республикаси ўртасида янги иқтисодий битим тўғрисида

Совет Иттифоқи блан Болгария Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик принципларига амал қилиб ва Болгариянинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва, жумладан, уни механизациялаш мақсадида СССР ва Болгария Ҳукуматлари Совет Иттифоқи блан Афғонистон ўртасида 1956—1959 йиллар мобайнида Болгария Халқ Республикасига 300 миллион сўмликкача тракторлар, комбайнлар, виндроуэрлар, подборщиклар, экскаваторларни ва бошқа қишлоқ хўжалиқ машиналари ва зотли чорва молларни қарзга беради, деб келишилар ва 1956 йил 3 февральда шу ҳақда Битим туздилар.

Битим йилига 200—220 минг тонна аммиак селитраси ишлаб чиқарадиган азотўғит заводи қурилишида ва йилига 100 минг тонна суперфосфат ишлаб чиқариладиган суперфосфат заводи қурилишида Болгарияга техника ёрдами кўрсатишни ҳам кўзда тутади. Ана шу суперфосфат заводининг қуввати кейинчалик оширилади. Машина-ускуналар, проект ишлари ва ана шу заводлар қурилиши блан боғлиқ бўлган техника ёрдамининг бошқа турлари ҳақини тўлаш учун СССР Ҳукумати Болгария Ҳукуматига 70 миллион сўм миқдорида кредит берди.

Мазкур кредитлар 10 йил муддатга берилади ва бу кредитлар юзасидан йилига икки процент миқдорида фойда олинади. Кредитлар Болгария товарларини, шу жумладан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш йўли блан қопланади.

Битимни СССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Вилко Червенков имзолади лар.

Битимни имзолаш вақтида совет томонидан — СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари В. М. Молотов, Иқтисодий алоқа ишлари бош бошқармасининг Бошлиғи К. И. Коваль, Иқтисодий алоқа ишлари бош бошқармаси Бошлиғининг Ўринбосари А. В. Захаров, СССР Ташқи ишлар министрлиги 5-нчи Европа бўлими Мудирининг вазифасини ижро этучи К. Д. Левичкин; Болгария томонидан — Болгария Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. Луканов. Болгария Халқ Республикасининг СССРдаги Элчихонасининг Савдо Маслаҳатчиси Ч. Напетов ҳозир бўлдилар.

Маршал Чжу Дэ Москвага келди

Хитой Халқ Республикаси Раисининг Ўринбосари маршал Чжу Дэ ва унинг ҳамроҳлари: ХҲР Давлат мудофаа комитети Раисининг ўринбосари маршал Не Жунчжэн, Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси Доимий Комитетининг аʻзоси Лю Лань-тао, маслаҳатчи Ши Чжэ ва бошқалар 4 февральда Москвага келдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Протокол бошлиғи Г. И. Фомин меҳмонларни Совет Иттифоқи чегарасидан кузатиб келди.

Хитой Халқ Республикаси ва СССР давлат байроқлари блан безатилган Белоруссия вокзалида Чжу Дэни СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари ва СССР Ташқи Ишлар министри В. М. Молотов, СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи маршали Г. К. Жуков, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари Н. Т. Федоренко, меҳнаткашлар депутатлари Москва Совети Ижроия Комитетининг Раиси Н. И. Бобровников, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Узоқ Шарқ бўлимининг Мудири И. Ф. Курдюков, СССР Министрлар Совети Раисининг Протокол бошлиғи Е. А. Тарабрин, Москва шаҳрининг Коменданти генерал-майор И. С. Колесников, СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг, СССР Мудофаа Министрлигининг масʻул ходимлари, совет ва четэл журналистлари кутиб олдилар.

Маршал Чжу Дэни Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Лю Сяо ва Элчихона ходимлари кутиб олдилар. Вокзалда СССРдаги бирқанча Элчихоналар ва Миссияларнинг Бошлиқлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Перронда фахрий қоровул саф тортиб турди ва Хитой Халқ Республикаси ҳамда Совет Иттифоқи давлат гимнлари ижро этилди.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг Ўринбосари Чжу Дэ микрофон олдида нутқ сўзлади. У бундай деди:

— Қадрли ўртоқлар, дўстлар!

Бизнинг улуғ иттифоқчимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига келиш ва Сизларга ҳамда Совет Иттифоқи халқига Хитой халқининг қардошларча самимий саломини топшириш учун шу фурсатдан фойдаланишдек катта шарафга мушяссар бўлганлигим учун жуда бахтиёрман.

Коммунизм қураётган улуғ Совет Иттифоқи барча мамлакатларда тинчлик учун ва бахтли ҳаётни мустаҳкамлаш учун курашаётган меҳнаткашлар оммасига ёруг юлдуздек йўл кўрсатиб бермоқда. Совет Иттифоқи халқ хўжалигининг ғоят ривожланганлиги ва унинг янги жамият қуришда эришган барча муваффақиятлари бутун инсоният учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Совет Иттифоқи халқининг социалистик ва коммунистик жамият қуриш соҳасидаги бой тажрибаси ва буюк намунаси социализм лагеридаги ва дунʻёнинг ҳамма мамлакатларидаги меҳнаткашлар оммасини доимо илҳомлантирмоқда.

Совет халқининг эришган муваффақиятлари илғор инсоният орзу қилиб келган энг порлоқ, энг бахтиёр, энг идеал жамият барпо қилиш мумкинлигини кўрсатади.

Совет Иттифоқи томонидан амалга оширилаётган тинчлик сиёсати бутун дунʻёда тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига жуда катта ҳисса қўшди. Социалистик лагерьдаги 900 миллионли аҳоли ва барча тинчликсевар халқлар ана шу тинчлик сиёсатини чин кўнгилдан қўллаб-қувватламоқдалар ва бу сиёсат ана шу халқларнинг биргаликда қилган ҳаракати туфайли ҳозиргача анча катта натижаларга эришди; мен бу сиёсатнинг бундан буён янада катта муваффақиятларга эришувига ишонаман. Хитой халқи совет халқининг хитой халқига нисбатан буюк қардошларча дўстлигини ҳеч қачон унутмайди.

Хитой Халқ Республикаси ташкил этилган биринчи кунларданоқ халқ хўжалигини тиклаш ва социалистик экономика асосларини вужудга келтириш ишида хитой халқига буюк, самимий ва ҳартомонлама ёрдам кўрсатганликлари учун хитой халқи совет халқидан ва унинг ҳукуматидан ғоят миннатдордир ва уларга ташаккур изҳор қилади.

Азиз ўртоқлар, Сизнинг шонли пойтахтингиз—Москвага келиш блан хитой халқининг ўз оғаси совет халқига қизғин саломини ва энг яхши тилакларини изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Коммунистик жамиятни муваффақиятли суратда қураётган Совет Иттифоқи гуллаб-яшнасин ва мустаҳкамлансин!

Хитой ва Совет Иттифоқи буюк халқларининг қардошларча дўстлиги абадий яшасин!

Яшасин Совет Иттифоқи етакчилигидаги тинчлик, демократия ва социализм лагерининг жипслиги ва мустаҳкам ҳамкорлиги! (ТАСС).

К. Е. Ворошилов маршал Чжу Дэни қабул қилди

4 февральда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Хитой Халқ Республикаси Раисининг Ўринбосари Маршал Чжу Дэни ва унинг ҳамроҳлари — ХҲР Давлат Мудофаа Комитети Раисининг Ўринбосари Маршал Не Жунчжэнни, Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси Доимий Комитетининг аʻзоси Лю Лань-тао, маслаҳатчи Ши Чжэни қабул қилди.

Хитой Халқ Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Лю Сяо ва СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг масʻул ходими Л. Н. Масько меҳмонлар блан ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг Ўринбосари Маршал Чжу Дэ К. Е. Ворошиловни туғилган кунига етмиш беш йил тўлгани муносабати блан табриклади, унга сиҳат-саломатлик, узоқ йиллар умр кўришини ва ўзининг давлат фаолиятида муваффақиятлар қозонишини тилади.

Шундан кейин К. Е. Ворошилов блан Маршал Чжу Дэ ўртасида дўстона, самимий суҳбат бўлди.

Қабул маросимида СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов ва СССР Олий Совети Президиумининг Протокол бошлиғи Г. И. Фомин ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Директивларга жавобан

Тошкент шаҳар, Марказий район партия активи йиғилишининг қатнашчилари район меҳнаткашлари янги бешйилликнинг биринчи йили — 1956 йил планини тўла ва ошириб бажаришга сўз берганликларини алоҳида таʻкидлаб кўрсатдилар. Улар район саноатини ривожлантириш учун жуда катта резервлар мавжуд эканлигини, ишлабчиқаришни ривожлантиришнинг битмастуганмас имкониятлари борлигини кўрсатдилар.

«Радиодеталь» заводи партия ташкилотининг секретари ўртоқ Стариков КПСС XX сʻезди Директивалари проекти завод коллективи томонидан яқдиллик блан маʻқулланганлигини, ишчилар, инженер-техник ходимлар техника ва технологияни тинмай такомиллаштириб борган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш, унинг сифатини яхшилаш, маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун кенг кураш олиб бораётганликлари ҳақида сўзлади.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг доценти ўртоқ Расулев йиғилиш қатнашчиларига институт кафедраларида КПСС XX сʻезди Директивалари проекти асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш блан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишга бағишланган тадбирлар белгиланаётгани ҳақида гапирди.

— Олтинчи бешйилликда, — деди ўз сўзида ТашРЭС директори ўртоқ Бобович,— республиканинг энергетика базаси анча кенгаяди. Тошкент шаҳар корхоналарини электр энергияси блан таʻминлаш тубдан яхшиланади, аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, йиғилишда Тошкент трамвай-троллейбус трести бошлиғининг Ўринбосари Подгорнов, Тошкент шаҳар қурилиш трестининг бош инженери Хўжаев, САГУ партия комитетининг секретари Тутунжон ва бошқа ўртоқлар ҳам чиқиб сўзладилар.

Йиғилиш қатнашчилари Директивалар проектини қизғин маʻқуллаб, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бу улуғвор программасини бажариш учун куч ва ғайратларини аямасликка сўз бердилар.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнатнашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар Совети депутатларига билдирадики, шу йил 8 февральда меҳнатнашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг бешинчи чақириқ еттинчи сессияси чақирилади.

Сессия Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг (Ҳукумат уйи) мажлислар залида соат 18 да бошланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

К. Е. Ворошилов Болгария Халқ республикаси Халқ Мажлиси делегациясининг аʻзоларини қабул қилди

3 февральда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Болгария Халқ Республикаси Халқ Мажлиси делегациясининг аʻзоларини Кремльда қабул қилди. Халқ Мажлиси бюросининг Раиси Ф. Козовский бошчилигидаги бу делегация составида П. Попзлатев, Н. Георгиев, Ж. Жечева, Н. Балканджиев, А. Х. Генов, Д. Попов, Т. Стоянов, Х. Радевский, Х. Даскалов, С. Попов, В. Ж. Пейков, К. И. Митев, В. А. Петрова бор.

К. Е. Ворошилов меҳмонларни самимий табриклади, уларга ўз ишларида, социализм қуришда муваффақиятлар тилади, бутун болгар халқи сингари Халқ Мажлиси депутатлари ҳам Совет Иттифоқи халқлари блан дўстликни ҳартомонлама мустаҳкамлайдилар ва бутун дунʻёда тинчлик учун курашадилар деб ишонч билдирди.

Болгар халқининг вакиллари Совет Иттифоқида бўлган вақтларида олган таассуротларини гапириб бердилар. Дўстона, самимий суҳбат вақтида Халқ Мажлиси депутатлари СССРни саёҳат қилиб юрган пайтларида халқнинг мисли кўрилмаган даражада юксак руҳ блан меҳнат қилаётганлиги, Совет Иттифоқининг саноатдаги, қишлоқ хўжалигидаги ва маданий қурилишдаги муваффақиятлар ўзларида жуда катта таассурот қолдирганлиги тўғрисида гапирдилар. Бу ҳолни улар борган Рязань, Ярославль, Ленинград, Сталинград, Ростов-Дон, Челябинск, Тбилиси, Уфа шаҳарларидаги илғор техника блан ускуналанган корхоналар асбоблари, запас қисмлар, сеялкаларни қайта мослаш учун узеллар, культиваторлар ва агротехниканинг янги талабларига мослаштирилган бошқа асбобларни кўплаб ишлаб чиқариш айниқса муҳимдир.

Лекин айрим корхоналарнинг раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари ўз ишларини қайта қуриш, раҳбарлик услубини ўзгартиш, корхонанинг барча ишларини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш ўрнига ўтган йили йўл қўйилган хато ва камчиликларни ҳамон тақрорламоқдалар. «Ўзбексельмаш», «Чирчиксельмаш», «Ташсельмаш» ва шу каби бошқа корхоналарнинг раҳбарлари шулар жумласидандир. «Ўзбексельмаш» заводи коллективи совхоз ва машина-трактор станцияларини қишлоқ хўжалик машиналари, экиш асбоб-ускуналари блан таʻминлашда муҳим роль ўйнайди. Броқ, завод раҳбарлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришда етарли даражада масʻулият ҳис қилмаётирлар. Завод коллективи яқин кунлар ичида квадрат-уялаб экадиган тўртқаторли «СКГХ—4» сеялкасини 45х45 схемасида олтиқаторликка ўтказиш учун 500 комплект узел тайёрлаши лозим эди. Броқ завод раҳбарлари ҳар иккала муҳим давлат топшириғини жуда кечикиб бажармоқдалар. Завод партия ва касаба союз ташкилотлари топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини контроль қилишга, корхонадаги мавжуд резервларни шу топшириқларни бажариш учун сафарбар этишга етарли эʻтибор бермаётирлар.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIII сʻезди саноатни ривожлантириш йўлида қўлга киритилган ютуқларни қайд қилиб ўтиш блан бирга, йўл қўйиб келинаётган камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди. Бу камчиликлар шундан иборатки, КПСС Марказий Комитети июль Пленуми томонидан қўйилган асосий вазифа—халқ хўжалик планини бажариш блан бир вақтда ишлабчиқаришнинг техника даражасини ҳартомонлама ошириб бориш вазифаси — ҳали қониқарли равишда ҳал қилинмаётганлигидир. Кўпгина хўжалик раҳбарлари ва партия ташкилотлари ишлабчиқаришни юксалтириш соҳасидаги мавжуд резервларни ҳали ҳам етарли равишда очмаётирлар, меҳнат унумдорлигини ошириш учун, ишлабчиқариш қувватлари ва асбоб-ускуналардан яхшироқ фойдаланиш учун суст кураш олиб бормоқдалар.

Социалистик экономикамиз асосларининг асоси—оғир саноатни ва умуман саноатни янада ривожлантиришда партия ташкилотларининг роли бениҳоя каттадир. КПСС Марказий Комитетининг тарихий июль Пленуми кўрсатиб ўтганидек, саноат соҳасида партия ташкилотлари олдида турган катта вазифалар партия раҳбарлиги методларини янада такомиллаштиришни, корхоналардаги ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни кескин равишда яхшилашни, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг равишда авж олдиришни, коммунистларнинг ижодий активлигини ва авангардлик ролини ҳартарафлама оширишни талаб қилади.

Партия ташкилотлари ишлабчиқариш техникасини ва экономикасини чуқур билишлари, маʻмурятнинг иши устидан муҳирлик блан контрольлик қилиб туришлари, ҳарқайси корхонанинг давлат планини бажаришни учун, саноатни кенг миқёсда юксалтириш ва саноат техникасини янада тараққий эттириш учун курашга коммунистларни, комсомолларни, барча ишчиларни, инженер-техник ходимларни ва хизматчиларни сафарбар қилишлари лозим.

Вазифа партиямиз шонли XX сʻезди шарафига социалистик мусобақани кенг ривожлантириб, янги техника ва илғор иш методларини ишлабчиқаришга кўплаб жорий қилишдан, машинасозлик саноатини ҳартарафлама юксалтиришдан иборат.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КПСС а'золигига кандидатлар блан ишлашдаги юзакичиликка барҳам берайлик

Коммунистик партиянинг кучи ўз а'золари сонининг миқдоридагина эмас, шу блан бир қаторда унинг сифати, софлиги, ғоявий юксаклигида ҳамдир. Шунинг учун ҳам партиямиз партия а'зоси деган юксак номнинг пок сақланиши, ўз сафларининг софлиги, тобора чиниқиши, ғоявий жиҳатдан ўсиб, юксалиши ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келди ва қилмоқда. Ленин район партия ташкилоти ана шу принципга қат'ий риоя қилган ҳолда иш кўрмоқда. Район партия комитети партия а'золигига кандидатлик муддатини ўтаётган кишиларнинг, уларни тарбиялаётган бошланғич партия ташкилотларининг мас'улиятини оширишга алоҳида э'тибор бераётир.

Шуни айтиш керакки, кандидатлик даври синаш давридир. Кандидатлик муддати партия а'золигига қабул қилинадиган кишининг бир йил мобайнида партиянинг программаси ва Устави блан тўлиқ танишиши, бошланғич партия ташкилоти эса унинг сиёсий ва шахсий сифатларини ўрганиши, ишда синаб кўриши учун белгиланади. Шу давр ичида партия ташкилоти ҳарбир кандидатнинг КПСС а'золигига қабул қилишга лойиқми-йўқми эканлигини аниқлайди.

Райондаги кўпчилик бошланғич партия ташкилотлари КПСС а'золигига кандидатларни партия а'золигига ўтказиш учун тайёрлаш соҳасида бирқатор ижобий натижаларга эришдилар. Бунга кандидатлик муддати ўтиб кетган кишилар сонининг тобора камайиб бораётганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. 1955 йили кандидатлик муддати ўтиб кетган кишилар сони илгариги йиллардагига нисбатан қарийб уч баравар камайди ва улар ҳозир жуда озчиликни ташкил қилади.

Бу соҳада район партия комитети бошланғич партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқда. Райком ходимлари бошланғич партия ташкилотларида бўлганларида бошқа масалалар блан бирқаторда, ёш коммунистларни тарбиялаш ва улар блан ишлаш масаласига ҳам э'тибор берадилар, бу соҳада бошланғич партия ташкилотининг секретарига зарур ёрдам ҳамда маслаҳатлар берадилар. Шу блан бирқаторда кандидатлик муддати тугаётган коммунистлар блан алоҳида суҳбатлашадилар, уларнинг КПСС а'золигига ўтишга нечоғлик тайёрланганликлари блан танишадилар.

Лекин шуни айтиш керакки, райондаги барча бошланғич партия ташкилотларида ҳам партия а'золигига кандидатлар ҳақида КПСС Уставида белгиланган қоида тўла бажарилаётир, деб бўлмайди. Айрим бошланғич партия ташкилотларида 2—3, ҳатто 5—6 йиллаб кандидатликда қолиб келаётган ва КПСС а'золигига ўтиш учун ҳаракат қилмаётган коммунистларни ҳам учратиш мумкин.

Мисол учун, Тошкент темир йўл станцияси тепловоз депоси бошланғич партия ташкилотини олайлик. Унинг ҳисобида турган ва партия а'золигига кандидат бўлган 5 коммунистнинг кандидатлик муддати ўтиб кетган. Машинист ёрдамчиси ўртоқ Ниёзов 6 йилдан буён партия а'золигига кандидат ҳисобланади. Шу вақт ичида унинг кандидатлик муддати бирнеча бор узайтирилди. Лекин ўртоқ Ниёзов КПСС а'золигига ўтишга тайёрланиш учун тўла имконият борлигига қарамай, бу масалага совуққонлик блан қараб келмоқда. Депо партия бюроси эса келишувчиликка йўл қўйиб, ўртоқ Ниёзов масаласини узил-кесил ҳал қилмай келаётир ва бу блан КПСС Уставини қўпол равишда бузаётир.

Шунингдек 8-нчи қурилиш участкаси бошланғич партия ташкилоти ҳисобида туручи ўртоқ Прокофьев белгиланган кандидатлик муддати мобайнида КПСС а'золигига ўтаолмагач, унга қўшимча равишда яна 6 ой муддат берилган эди. Лекин ўртоқ Прокофьев бу муддатнинг ўтиб кетганига қарамай, ҳануз КПСС а'золигига ўтаолгани йўқ. Партия ташкилоти ўртоқ Прокофьев масаласини муҳокама қилиш ва тегишли чора кўриши керак эди. Афсуски, бундай қилинмади.

Бу шуни кўрсатадики, юқорида кўрсатилган бошланғич партия ташкилотлари партия а'золигига кандидатларни тарбиялаш масаласи блан бўш шуғулланмоқдалар, уларни жамоат ишига жалб этиш ва активлигини оширишга кам э'тибор бермоқдалар.

Бошланғич партия ташкилотлари КПСС а'золигига ёки кандидатлигига қабул қилинадиган ҳарбир кишига якка тартибда ёндошиш, партия сафига ўзини ишда ва омма ўртасида фақат ижобий томондан кўрсатаолган, ҳартарафлама синалган кишиларнигина қабул қилиш лозим эканлигига алоҳида аҳамият беришлари лозим. Аммо айрим ҳолларда бу принцип қўпол равишда бузилмоқда ва натижада партиямиз сафига тасодифий кишиларнинг кириб қолишига йўл қўйилаётир.

Жумладан, макарон фабрикасининг бошланғич партия ташкилоти фабрика ишчиси Исроиловни КПСС а'золигига кандидатликка қабул қилиш вақтида ана шундай хатога йўл қўйди. Исроиловнинг ишлаб чиқаришда эришган арзимас ютуғи ва жамоат орасида қозонган вақтинчалик обрўсини партия ташкилоти уни КПСС а'золигига кандидат қилиб қабул қилиш учун етарли деб, нотўғри ўйлади. Ҳақиқатда эса кейинги вақтда Исроиловнинг маслаксиз, сиёсий онги қолоқ, ўз шахсий манфаатини партия ва халқ манфаатларидан устун қўядиган бир шахс эканлиги аниқланди ва оқибатда КПСС сафидан ўчирилди.

Тошкент аэропорти складининг мудири ўртоқ Лапин 8 йил давомида кандидат бўлиб келди ва КПСС а'золигига ўтиш учун ҳаракат қилмади. Энг муҳими шундаки, у шу муддат ичида коммунист деган номга лойиқ киши эканлигини кўрсатаолмади, меҳнатда ва шахсий турмушида бошқаларга намуна бўлмади, ўз устида ишламади, партия топшириқларини бажармади. Ўзўзидан ма'лумки, бундай кишининг КПСС сафида ортиқ туриши мумкин эмас эди. Партия ташкилоти уни КПСС а'золигига кандидатликдан ўчириб, жуда тўғри иш қилди.

«Утильпромкомбинат» артели цехининг бошлиғи ўртоқ Кувардин КПСС а'золигига кандидатликка ўтиш вақтида, бошланғич партия ташкилоти ва коммунистларни алдаб, ўзини Улуғ Ватан урушининг бошидан охиригача фронтда бўлган, ҳарбий унвони майор ва фронтда кўрсатган хизматлари учун 5 та орден ва медаль блан мукофотланган киши сифатида тавсия этди. Кейин ма'лум бўлишича, ўртоқ Кувардин сохта «майор» ва фронтовик, халқ ва давлат олдида ҳечқандай хизмат кўрсатмаган киши экан. Партия ташкилоти эса уни КПСС сафига қабул қилишда ўтакетган даражада юзакичиликка йўл қўйган, ҳушёрликни бой берган. Шу сабабли Кувардин партия сафига алдамчилик йўли блан кириб қолган тасодифий шахс сифатида КПСС а'золигига кандидатликдан ўчирилди. КПСС а'золигига кандидатликка ўтиш вақтида худди шундай йўл тутган Дегадюк деган шахснинг ва КПСС сафига қабул қилингандан сўнг узоқ вақт давомида бирон жойда ишламай, маиший томондан ўтакетган равишда бузилган Маринцевнинг тақдири ҳам ана шундай бўлди.

Район партия комитети кейинги вақтда бошланғич партия ташкилотларининг КПСС а'золигига ва кандидатлигига қабул қилиш ҳақидаги қарорларини тасдиқлаш масаласига э'тиборни янада оширди. КПСС сафига қабул қилинган кишиларни бюро йиғилишининг муҳокамасидан ўтказиш вақтида уларнинг сиёсий онгига ва ишчанлик қобилиятига, шахсий сифатига жиддий э'тибор берилаётир. Бошланғич партия ташкилотидан ўзининг ҳақиқий ижтимоий чиқишини яширганлиги учун 8-нчи алоқа дистанциясининг электромеханиги Шестаков ва безорилик қилиб, ВЛКСМ сафидан ўчирилгани ҳамда суд жавобгарлигига тортилганини яширгани учун ремонт-механика заводининг токари Бозин ўртоқлар КПСС а'золигига кандидатликка қабул қилинмади.

Бу ва шунга ўхшаган бошқа фактлар шуни кўрсатадики, бошланғич партия ташкилотлари партия а'золари сонини ўстириш масаласига асло юзаки қарамасликлари лозим. Ариза берган ҳарбир кишини аввало ҳартарафлама синчиклаб текширмасдан КПСС сафига қабул қилинишига қат'иян йўл қўйилмаслиги керак. Бу партиямиз сафларининг доимо мусаффо бўлишининг, унинг олижаноб сифатига путур етказилмаслигининг асосий гаровидир. Шундагина КПСС Уставининг барча талаблари тўла-тўкис бажарилган бўлади.

Д. КОЗЛОВ,
Тошкент шаҳар Ленин район партия комитети учёт секторининг мудири.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Узбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

Л. А. СЛЕПОВ. — «Коммунистик партия — Совет жамиятининг раҳбар кучи». 72 бет, тиражи 30000, баҳоси 75 тийин.

Георгий Брянцев.—«Это было в Лаге». (Рус тилида, роман). 816 бет, тиражи 90.000, баҳоси 14 сўм 80 тийин.

С. САИДАЛИЕВ. — «Диний хурофотларнинг зарари ва унга қарши кураш». 60 бет, тиражи 20.000, баҳоси 60 тийин.

Ғ. МИРКАРИМОВ. — «Чорвачилик фермаларида меҳнатни уюштириш ва меҳнат ҳақи тўлаш». 64 бет, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм 10 тийин.

И. Л. МАЙЗЕЛИС ва М. М. ЮДОВИЧ. — «Шахмат ўйини дарслиги» 142 бет, тиражи 10.000, баҳоси 5 сўм.

Профессор **В. ТОНКОВ. — «Одам анатомияси дарслиги».** (3-нчи том, томирлар системаси, нерв системаси, ички секреция органлари, сезги органлари). Қайта ишланган бешинчи нашридан **В. Раҳимов** таржимаси. 340 бет, тиражи 3.000, баҳоси 11 сўм 20 тийин.

„Юрак сирлари“ ёш ҳаваскорлар ижросида

Тошкент тўқимачилик институтида ташкил этилган драма тўгараги мунтазам ишлаб келмоқда. Тўгарак а'золари яқинда Узбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати С. Табибуллаев раҳбарлигида драматург Баҳром Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» пьесасини Ҳамза номидаги театрда қўйди.

Драмадаги асосий рольларни технология факультетининг IV курс студентларидан А. Саидҳўжаева, К. Сайдаминов ва шу факультетнинг III курс студентларидан А. Исломов, Н. Муродов, Ф. Умарова, У. Қодиров ва А. Отажонов ўртоқлар ўйнадилар.

Тамошабинлар ёш ҳаваскорлар томонидан қўйилган бу спектаклни зўр қизиқиш блан тамоша қилдилар.

Р. ОТАБЕКОВ.

Маданият ХРОНИКАСИ

Республика Маданият уйининг бой китоб фондига эга бўлган кутубхонаси Октябрь район меҳнаткашлари ва Маданият уйидаги тўгарак қатнашчиларига намунали маданий хизмат кўрсатмоқда. Ҳозир кутубхонанинг 500 дан ортиқ доимий китобхони бўлиб, улардан 80 га яқини уй ишлари блан шуғулланучи аёллардир. Кутубхона 25 номда газета ва 80 номда турли журналларни мунтазам равишда олиб туради. Китобхонлар сонини янада ошириш мақсадида ҳар кварталда китобхонлар конференцияси ўтказилмоқда.

Х. Қаюмов.

* * *

Қуйичирчиқ район маданият бўлимининг кино механиклари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'ездн шарафига социалистик мусобақани қизитиб, аҳолига кино хизмати кўрсатишни тобора яхшиламоқдалар. Киномеханиклардан Сергей Цой, Владимир Пак, Ш. Хамидуллин ва Иван Шин ўртоқлар колхозчиларга кино хизмати кўрсатишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Улар кино кўрсатиш ойлик ва квартал топшириқларини доим ошириб бажараётирлар.

Т. Азимов.

ИШЛАБЧИҚАРИШНИНГ ДОНГДОР КОМАНДИРЛАРИ

Кон мастерининг кўзи блан

Участка коллективининг ютуқлари ёки камчиликлари кўп жиҳатдан кон мастерига боғлиқдир. Агарда кон мастери зийрак, камчиликларни дарҳол пайқаб олабилган бўлса, ўзининг қўл остидаги навалоотбойчиклардан, лесогоналардан, мотористкалардан, мустаҳкамловчилардан, электрослесарьлардан ва бошқа касбдаги кишилардан ишнинг кўзини билиб фойдалана олса, ўша участкала ҳардоим илгари силжиш бўлади.

Яқинда биз кон мастерларининг ишлари блан танишиш учун шахтага бордик. Бизни шахтанинг 4-нчи участка кон мастери Наримон Ғафуров блан таништиришди.

— Хизмат? — деб қарши олди сергайрат ёш йигит Ғафуров. У, ҳозиргина наряд-хонадан чиқиб, шахтага тушмоқчи бўлиб турган экан.

— Сизнинг участкангиз илғор участкалардан экан. Бизга шулардан гапириб берсангиз, — илтимос қилдик.

У, кўмир гарди юқиб қолгандай тимқора қошларини чимириб, ҳаёл сурди-да, кейин кулимсираб деди:

— Ютуқларни бошқа вақтда ҳам гапириб бериш мумкин, уни бизнинг қўлимиздан ҳечким тортиб ололмайди. Агар вақтларинг бўлса пастга олиб тушай, ишимиз блан танишиб кетасизлар.



Биз шахтёрларнинг иши блан танишишда бундай қулайликдан фойдаланишга жонидилимиз блан рози бўлдик. 4-нчи участка шахтада энг узоқ участкалардан бири бўлганлиги учун йўл-йўлакай гаплашиб кетдик. Бизнинг каскамизга ўрнатилган чироқлар йўлимизни ёритиб борарди.

— Ҳар куни пландан ташқари 150 — 200 тонна ёқилғи берар эмишсизлар, тўғримн? — сўрадик биз. Наримон бизга бир қараб чиқди-да, гўё ютуқни гапиргиси келмагандай бошни силкитиб қўйди, холос.

— Камчиликлар ҳам борми?

— Қани энди, бошлиқлар еростига тез-тез тушиб, ҳарбир кон мастери ва оддий шахтёрларнинг шикоятларини эшитиб туришса. У вақтда иш бошқача бўлар эди. Тепада туриб нимани кўриш мумкин? Худди самолётдан туриб ерни кўргандай. Ҳамма ер силлиқ, теп-текис бўлиб кўринади уларга. Пасти-баландни, ғадир-будирни пастга тушганда, иш жойида кўриш мумкин. Ба'зи вақтларда участкангиз иши кўзимга тўғри кетаётгандек кўринади. Агар ҳарбир ишчи блан «ишингни янада яхшилаш учун нима қилиш керак», деб сўраб қолсангиз борми, ўз ишига халақит бераётган камчиликларни «мана» деб кўзингизга кўрсатиб беради. Кейин унинг фикрига қўшилишга мажбур бўласиз ва шу нуқсонларни тугатишнинг йўлини қидирасиз.

— Камчиликлар кўпроқ қаерда учрайди? — мастернинг сўзини бўлдик биз. Иш жойига етиб келганимиз учунми, мастер транспортёрнинг юришини ва мотористканинг ҳаракатини бирзум кузатди-да, сўнг саволимизга жавоб қайтарди:

— Тўғрисини айтсам майда камчиликлар ҳам ишга зарар етказади. Аммо мана бу транспортёр тўхтаб қолса асосий камчилик ана шу.

— Транспортёрнинг тўхташи кўп бўладими?

— Бўлиб туради. Ба'зи вақтлар бу тўхташ иш вақтининг ярмини ўпириб кетади.

— План ҳам бажарилмайди денг?

— Бажарилмаслиги мумкин, лекин кўп вақтлар шунда ҳам бажариб турамиз. Бунинг учун кўмир портлатилган, ёғочлар тайёр қилиб қўйилган, бир сўз блан айтганда ҳамма ишлар тахт қилиб қўйилган бўлиши шарт. Бусиз иш юришмайди. Ҳаммадан ҳам ленталарнинг узлуксиз ишлаб туриши зарур.

Забойларнинг бирида навалоотбойчиклар терлаб-пишиб белкуракларда лентага кўмир ирғитардилар. У ердаги кўмирларнинг йириклиги, белкуракнинг кўмирга қийналиб ботаётганлиги мастернинг э'тиборидан четда қолмади. У, аста бориб навалоотбойчик қўлидан белкурагни олди-да, уни чироққа солиб кўрди. Белкурагнинг уни ғадир-будир бўлиб, қайрилиб кетган эди.

— Буни майда иш дейсизу, аммо унинг катта ишни бажараётганлигини унутасиз, — деди Наримон юзларида йўл-йўл из қолдириб тер оқиб тушган навалоотбойчикка қараб.

— Коча олиб чиқиб кетаман деб, ёдимдан кўтарилибди, деди навалоотбойчик ҳижолат бўлиб. Мастер қўшимча қилди:

— Овқатга ўтирганда қошиқни эсдан чиқармайсизми? Демак буни ҳам эсдан чиқариш ярамайди. Сизнинг забойдаги қошиғингиз мана шу.

Биз юқорироқдаги забойга етганимизда навалоотбойчиклар мустаҳкамлаш учун келтирилган ёғочни арраламоқда эдилар. Мастернинг хуноби чиқиб сўради:

— Бунақаси кўпми?

— Кейин туширилганларнинг деярли ҳаммаси.

— Мана буниси ортиқча иш, — деди мастер бизга қараб. — Шахтёрларнинг кўлини боғлайди. Одатдаги стандарт ёғочлар келтирилиши лозим. Лекин юқорида ўтирган ба'зи ўртоқларимиз буни тушунишни истамайдилар, ички резервлардан фойдаланиш йўлларини ўзлари бўғиб қўядилар.

— Яна қандай камчиликларни айтасиз? — илтимос қилдик биз мастердан. Ёш мастер бироз жим турди-да кейин гапида давом қилди:

— Камчилик шубҳасиз кўп. Қайси забойга борсангиз, шу ердан камчилик топилади. Ишимизнинг янада равнақ топиши учун тор ленталарни кенгроқ лентлар блан алмаштириш зарур. Бизнинг бу илтимосимиз ҳам бажарилмай қолиб кетаяпти.

— Ҳар ҳолда ишингизни тузук деб ёсак қарши эмасмисиз? — сўрадик биз ундан.

Ёш мастер бироз жим турди-да, кейин илтимос тарзида деди:

— Менимча, камчиликларни кўпроқ кўрсатиш керак. Ишнинг мана бу ёғи бизга кўпроқ ёрдам беради.

Биз кон мастери Наримон Ғафуров блан хайрлашиб баландга кўтарилдик. Шахта бухгалтериясидаги фактлар ёш мастер Ғафуровнинг ишларини кўрсатиб турарди. Ҳозиргача пландан ташқари давлатга 2.800 тонна ёқилғи етказиб берган 4-нчи участка коллективи орасида кундалик нормаларини 180 процентга етказиб бажариб келаётган навалоотбойчик Дадабоев, Файзуллаев, Раззоқов, Кольцов, Трофимов, мотористкалардан Сергеева, Белая, слесарь Маматов, лесогон Турдиев, Ганиев, Насибуллин, запалчи Анисимова ўртоқларнинг номларини айтиб ўтишга қарор қилдик.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ,
И. АҲМЕДОВ.
Оҳангарон шаҳри.

СИЁСИЙ-ИЛМИЙ ТЕМАЛАРДА ЛЕКЦИЯ ВА СУҲБАТЛАР

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли Тошкентдаги колхоз ҳисобчилари тайёрлаш мактаби ўқувчиларига сиёсий ва илмий темаларда тез-тез лекциялар уюштирилмоқда, суҳбатлар ташкил қилинмоқда.

Кейинги вақтда сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Республика Жамияти область бўлимининг лектори ўртоқ Асқаров «Халқаро аҳвол», ўқитувчи ўртоқ Каримов «Н. С. Хрушчев ва Н. А. Булганин ўртоқларнинг Осиё давлатларига сафари» ва бошқа темаларда лекциялар ўқидилар.

Д. СОДИҚОВ.

Қишлоқ хўжалик экономикасини ўрганиш семинари

Янгийўл район партия комитети социалистик қишлоқ хўжалиги экономкасини ўрганиш юзасидан семинар ташкил қилди. Семинарга колхоз раислари ва бошланғич партия ташкилотларининг секретарьлари, МТС раҳбарлари, қишлоқ Советларининг раислари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ҳамда район партия ва совет активи жалб этилган.

Семинарнинг биринчи машғулотида район партия комитетининг секретари ўртоқ Мусаев «Колхоз ва совхозларда пахтачиликни ривожлантириш вазифалари» темасида лекция ўқиди.

Семинар қатнашчилари учун Свердлов номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Шорахмедовнинг «Пахта етиштиришнинг прогрессив усуллари — пахта ҳосилини ва унинг ялпи маҳсулотини оширишнинг асоси», 1-нчи МТС директори ўртоқ Мешковнинг «Пахта етиштиришни комплекс механизациялаш» деган темаларида, шунингдек, колхоз ва МТС ларнинг экономикасини ривожлантириш, пахтачилик, чорвачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини юксалтириш блан боғлиқ бўлган темаларда лекциялар ўтказиш планлаштирилган.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

Улуғ рус революционер-демократи

(Н. А. Добролюбовнинг туғилган кунига 120 йил тўлиши муносабати блан)


Жаҳон маданияти тарихида XIX асрдаги рус революцион демократларининг ажойиб плеядаси фахрли ўрин эгаллайди.

Россия революцион-демократларининг философик ва ижтимоий-сиёсий фикрлари Марксга қадар бўлган даврдаги философия ва ижтимоий фанлар тараққиётида юксак босқич ҳисобланади. Улар марксизмнинг Россиядаги бевосита номоёндалари эдилар. Уларнинг асарлари орқали Шевченко, Калиновский, Микаэль, Налбандян, Христо Ботев, Светозар Марковић ва бошқа Россия ҳамда четэл мамлакатларининг кўзга кўринган мутафаккирлари, революцион арбоблари тарбияланиб етишдилар. Рус ва жаҳон маданиятининг юксак ютуғи ҳисобланган ленинизм XIX асрдаги революцион демократларнинг энг яхши традицияларини ўзида гавдалантирди.

Ажойиб рус революцион демократлари плеядаси ичида Чернишевский ва Добролюбов алоҳида роль ўйнайди. Улар қалин ва иноқ дўст эдилар. Чернишевский 8 ёш катта бўлишига қарамай, ёш дўсти—Добролюбовни жуда севар эди. Добролюбов 25 ёшида бевақт вафот этди. (У, 1836 йилда туғилиб, 1861 йилда вафот этган). Чернишевский Добролюбов вафотидан кейин бундай деб ёзган эди: «Унинг ўлими халқ учун абадий жудоликдир. У халққа бўлган муҳаббат блан ёнди ва шу муҳаббат блан жуда эрта ёниб тамом бўлди. О, халқ, у сени жуда ҳам севар эди! Унинг сўзлари ҳали сенга етиб боргани йўқ. Агар у сени қай аҳволда кўришни истаган бўлса, сен ўша даражага кўтарилсанг, шундагина сен энг яхши ўғилларингдан бири бўлган бу гениал навқиронингг сен учун қанчалик кўп иш қилганини биласан».

Чернишевский ва Добролюбовнинг ижоди ҳамда фаолиятида, уларнинг дун'ёқарашларида революцион-демократик фикрлар ўз чўққисига эришди. Улар ҳаммадан кўра илмий коммунизмга кўпроқ яқинлашиб келдилар.

Николай Александрович Добролюбовнинг фаолияти 1861 йилги «деҳқонлар реформасини» тайёрлаш ва ўтказиш йилларида кенг қулоч ёйди. Ўша даврда Россия учун энг асосий масала деҳқонлар масаласи эди. Қрим уруши (1853—1856 йиллар) самодержавие-крепостнойлик тузумининг чиришлигини, крепостнойлик иқтисодий системасининг кризисга учраганлигини жуда ҳам аниқ ва равшан кўрсатиб берди. Деҳқонларнинг синфий кураши борган сари кескинлашди. Революцион ситуация ўсиб етилди. В. И. Ленин 50 йилларнинг охири ва 60 йилларнинг бошларида Россияда вужудга келган шароитни характерлаб, бундай деб ёзган эди: «Европада демократик ҳаракатнинг жонланиши, поляклар ғалаёни, Финляндиядаги норозиликлар, бутун матбуот ва бутун дворянларнинг сиёсий реформалар талаб қилиб чиқиши, «Колокол»нинг бутун Россияга тарқалиши, цензурабоп қилиб ёзилган мақолалар блан ҳам ҳақиқий революционерлар тарбиялаб етиштирабилган Чернишевскийнинг олиб борган кучли тарғиботлари, прокламацияларнинг пайдо бўлиши; деҳқонларни шиппшйдон қилиб шилиб оладиган «Низом»ни уларга «кўп вақт» ҳарбий куч ишлатиш ва қон тўкиш йўли блан зўрлаб қабул қилдирилиши натижасида юз берган деҳқонлар ғалаёнлари, битиштируви воситачи-дворянларнинг бундай «Низом»ни амалга оширишдан коллектив равишда бош тортиши, студентлар ўртасидаги тартибсизликлар шароитида—мана шундай бир шароитда энг эҳтиётқор ва зийрак сиёсатчи революцион портловни батамом мумкин бўлган бир нарса деб ва деҳқонлар қўзғолонини—жуда катта хавф деб билиши лозим эди[1]».



Россиядаги ана шу шароитда кучлар иккига бўлинади. Бу кучлар бир томонда крепостной-помешчиклар ва уларга эргашучи, помешчик хўжалигининг капитализм сари ўсишини мувофиқлаштиришни ёқловчи Кавелин сингари либерал сиёсатчилар, иккинчи томонда эса деҳқонлар масаласини радикал ҳал қилиш, самодержавие ва крепостнойликни революцион йўл блан ағдариб ташлаш учун курашчи революцион-демократлардан иборат эди. Добролюбов Чернишевский блан биргаликда революцион-демократик лагерьга бошчилик қиларди.

Н. А. Добролюбов Нижний-Новгородда (ҳозирги Горький шаҳри) руҳоний оиласида туғилади. У ёшлигиданоқ оғир муҳтожликда ҳаёт кечиради. Добролюбов Петербургда, 1856 йилда Бош педагогика институтининг студенти бўлиб юрган пайтида Чернишевский блан танишади. У шу йилдан бошлаб, «Современник» журналида ҳамкорлик қилабошлайди. Унинг «Россия сўзи ҳаваскорларининг суҳбатлоши» мақоласи кўпчиликнинг э'тиборини ўзига жалб этади. У 1857 йилдан бошлаб, «Современник»нинг таниқли ва библиография бўлимини бошқариб боради.

У тўрт йил ичида жуда кўп асар ёзди. Унинг асарлари, айниқса адабий-таниқдий мақолалари Белинскийники каби философик ва ижтимоий-сиёсий қарашларни ифодалаш формаси эди.

Н. А. Добролюбов самодержавие, крепостнойликнинг ашаддий душмани эди, у халқни эски тузумни зўрлик блан ағдариб ташлашга да'ват этади. Унинг «Рус адабиётининг ривожланишида халқчиллик»нинг иштироки даражаси тўғрисида», «Одамнинг органик тараққиёти», «Жаноб Жеребцов томонидан тўқилган рус цивилизацияси», «Ўтган асрнинг адабий майдачуйдалари», «Обломовчилик нима?», «Қоронғулик салтанати» «Ҳақиқий кун қачон келади?», «Зулмат ичида нур» каби асарлари рус революционерларининг бутун бир авлодини тарбиялаб етиштиришда катта роль ўйнади.

У зўр куч блан деҳқонлар дучор қилинган вақшиёна зулм, ўша давр Россиясида ҳукмронлик қилиб турган ўзбошимчалик ва ҳақсизликни, қора реакция кучларининг «қоронғулик салтанати», ўтакетган золимлик салтанатини кескин равишда фош қилди. У кишиларни «ички душманлар»—самодержавие ва помешчик-крепостникларга қарши курашга чақиради. «Бу ички душманларни,—деб ёзган эди у,—оддий қурол блан ҳечнарса қилолмайсан; фақат ҳаётимизнинг нам ва туманли атмосферасини ўзгартириш блангина ундан қутилиш мумкин...» У ҳаётни тубдан ўзгартириш, революция қилиш кераклигини уқтиради. Добролюбов майда реформалар ўтказишга умид боғлаган либералларни фош этиб ташлайди. Кенг миқ'ёсдаги халқ революциясигина меҳнаткаш омма аҳволини радикал яхшилашга, ақлнинг ғалаба қозонишига, нурнинг зулмат устидан голиб чиқишига олиб келиши мумкин. У халқнинг ижодий кучига, революциянинг ғалаба қозониши муқаррар эканлигига чуқур ишонади. У бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Ниҳоят ўша кун ҳам келади! Ҳарҳолда у кун эртаги кунимиздан узоқ эмас; уларни қандайдир биркача ажратиб турипти, холос!»

Добролюбов деҳқонлар революциясини чинакам демократик тузумни барпо қилишга олиб келучи революция деб ўйлади. Унингча, демократик ҳокимият социалистик ўзгартишларни ҳам амалга ошириши керак эди.

Добролюбовнинг фаолият даври — Россиянинг ижтимоий тараққиётида демократизм ва социализм бир-бирига қўшилиб, ажралмас бир бутунга айланган давр эди. Добролюбов улуғ социалист эди. Тўғри, унинг социализми ҳаёлий социализм эди. У ўзига замондош бўлган Россиянинг социал шароити қолоқ бўлгани сабабли эксплуататорлар жамиятининг гўркови ва социалистик жамиятнинг яратувчиси ишчилар синфининг тарихий ролини тушуниш даражасига кўтарилаолмади, броқ у Ғарбий Европа ҳаёлий социалистларидан жуда юксак турар эди. Ғарбий Европа ҳаёлий социалистлари (Сен-Симон, Фурье ва бошқалар) «ҳукмдорлар ҳокимияти»ға умид боғлар эди, аммо Добролюбов жамиятнинг тубдан қайта қурилишидан манфаатдор бўлучи ягона куч—халқ оммасига мурожаат қилди. Ғарбнинг ҳаёлий социалистлари революцион курашни инкор этдилар, Добролюбов эса омманинг революцион курашини пропаганда қилди.

Н. А. Добролюбов фақат крепостнойлик ва самодержавиени танқид қилучи эмас, балки шу блан бирга капитализм ва капиталистик давлатни ҳам кескин танқид қилган мутафаккир эди. У И. Бабетнинг «Москвадан Лейпциггача» китобига ёзган рецензиясида ва бошқа асарларида капитализмнинг эксплуататорлик моҳиятини кўрсатади. Буржуазия тузумида, деб кўрсатган эди Добролюбов, феодализм шароитида бўлгани каби ўша талон-тарож, ўша зўрлик мавжуд бўлади—«ишнинг моҳияти аввалгидек қолаверади». Унинг капитализм тўғрисидаги танқидлари бизнинг ҳозирги кунимизда ҳам баралла жаранглаб турипти. У буржуазия демократиясининг формал характерини очиб ташлайди, АҚШнинг сохта демократиясини танқид қилади, Англия демократиясида эса «Англия ваҳшийлиги намуналарини» кўради.

Н. А. Добролюбовнинг социалогик ва сиёсий қарашлари кенг философик негизларга асосланғандир. У йирик философ—материалистдир. Добролюбов дун'ёнинг моддийлигини э'тироф қилиб, онгнинг турмушга муносабати сингари философиянинг асосий масалаларини материалистик ҳал этади. У дун'ёни билиш мумкинлигини инкор этучи агностикларни қаттиқ танқид қилади. Ғарчи у тарихни материалистик тушуниш даражасига кўтарилаолмаган бўлса ҳам, унинг социологик қарашларида ма'лум материалистик тенденциялар мавжуд. У тарихда халқ, меҳнаткаш омма кишиликнинг прогрессив тараққиётида асосий куч эканлигини тушунди.

Добролюбов улуғ социалист эди. Тўғри, унинг социализми ҳаёлий социализм эди. У ўзига замондош бўлган Россиянинг социал шароити қолоқ бўлгани сабабли эксплуататорлар жамиятининг гўркови ва социалистик жамиятнинг яратувчиси ишчилар синфининг тарихий ролини тушуниш даражасига кўтарилаолмади, броқ у Ғарбий Европа ҳаёлий социалистларидан жуда юксак турар эди. Ғарбий Европа ҳаёлий социалистлари (Сен-Симон, Фурье ва бошқалар) «ҳукмдорлар ҳокимияти»ға умид боғлар эди, аммо Добролюбов жамиятнинг тубдан қайта қурилишидан манфаатдор бўлучи ягона куч—халқ оммасига мурожаат қилди. Ғарбнинг ҳаёлий социалистлари революцион курашни инкор этдилар, Добролюбов эса омманинг революцион курашини пропаганда қилди.

Материалистик эстетика ва танқидчилик соҳасида Добролюбовнинг хизмати катта. У Чернишевский блан биргаликда Тургенев, Анненков, Дружинин, Боткинларнинг «Современник» журналини му'тадил либерализм органига айлантиришларига йўл қўймади. Чернишевский ва Добролюбов раҳбарлик қилаётган «Современник» жанговар революцион демократия органи бўлиб қолди. У адабиёт ва сан'ат фақат ҳаётни акс эттириб қолмасдан, балки куч блан қайта қуруучи, актив «ҳаёт дарслиги» деган материалистик тезисни моҳирлик блан асослаб берди.

Добролюбов Россиянинг оташин ватанпарвари эди, ўз Ватанининг улуғ келажагига чуқур ишонган, рус халқини, рус маданиятини қизғин севган киши эди. Броқ у миллий чекланишдан узоқ эди. Унинг ватанпарварлиги чинакам интернационализм блан, ҳарбир миллатнинг манфаати ва мустақиллигини чуқур ҳурмат қилиш блан органик равишда боғланган эди. У ҳақиқий ватанпарварлик, жонли ва фаолиятли ватанпарварлик ҳарқандай халқаро душманликни муетасно тутиши блан фарқ қилади, ана шундай ватанпарварлик блан илҳомланган киши бутун инсониятнинг бахт-саодати учун меҳнат қилишга тайёрдир, деб ёзган эди. У халқлар ўртасида тинчлик учун курашди, ҳарқандай мустамлакачиликка қарши чиқди. У 1857 йилда инглизлар ҳукмронлигига қарши кўтарилган синалар қўзғолони муносабати блан ёзилган «Тарихга» ва «Ост-Ҳиндистоннинг ҳозирги аҳволига бир назар» мақолаларида Ҳиндистондаги инглиз мустамлакачилари, уларнинг талон-тарожликдан иборат сиёсатини кескин танқид қилади ва ҳинд халқининг мустақиллик учун олиб бораётган кураши оқибатда ғалаба қозонишига ишонади.

Добролюбовнинг номи совет халқига ва илғор инсониятга жуда азиздир.

Н. А. Добролюбов крепостной Россия шароитидаги улуғ мутафаккир ва революцион арбоб сифатида рус халқига янги йўл очиб берди. Маркс ва Энгельс унга юксак баҳо бердилар. Ленин, Россиянинг ўзбошимчаликни жон-жаҳди блан нафратловчи ва самодержавие ҳукуматига қарши халқ қўзғолонини эҳтирос блан кутган ма'рифатли ва фикрловчи барча кишиси учун Добролюбов қадрлидир, деб ёзган эди.

Профессор **М. ЛУЦКИЙ.**

[1] В. И. Ленин, Асарлар 5 том, 29 — 30 бетлар.

КПСС XX С'ЕЗДИНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН!

Чорвачилик хўжаликнинг етакчи тармоғига айланмоқда

Жамоат чорвачилиги илгари хўжаликнинг сердаромад манбаига айланмаган эди. Биз давлат мажбурияти учун сут, ёғ ва гўштни четдан сотиб олиб, тўлар эдик.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин жамоат чорвачилиги, шу жумладан қорамолчиликни ривожлантиришга эътибор кучайтирилди. Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти чорвачиликни ривожлантириб, уни сердаромад манба'га айлантириш тадбирларини белгилаб чиқди. Биринчи навбатда сигирлар қўлда боқишга кўчирилди, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш чораси кўрилди. Жайдари сигирлар зотини яхшилаш билан бирга «Вревский» совхозидан 55 та зотли бузоқ сотиб олинди. 1953 йилда сотиб олинган бу бузоқлар ҳозир сигир бўлиб кўплаб сут бермоқда. Ҳозир согиладиган сигирлар сони 119 га етказилди.

Колхозда ем-хашак базаси ҳам мустаҳкамланди. Мол қишловига етарли ем-хашак жамғариш билан бирга 450 тонна силос тайёрланди. Чорва моллари, шу жумладан сигирлар ҳам зоотехника қоидаларига мувофиқ парвариш қилиниб, қишин-ёзин ширали озиқалар, айниқса силос билан боқилмоқда. Натижада молларнинг маҳсулдорлиги сезиларли даражада ошди. Масалан, 1953 йилда 42 сигирнинг ҳарбиридан ўрта ҳисобда 100 литрга етар-етмас сут согиб олган бўлсак, 1954 йилда ҳар бир сигирдан 2190 литрдан сут олинди.

Ўтган йил Кагановичи номли колхоз билан Ленин номли колхоз қўшилиб йириклашди. Шунгача собиқ Кагановичи номли колхозда 54 та сигирнинг ҳарбиридан йилига 649 литрдан сут согиб олинган экан. Биз бу сигирларни ҳам қўлда боқишга кўчирдик, уларни парвариш қилишни яхши йўлга қўйдик. Натижада жайдари деб аталган бу сигирларнинг ҳарбиридан 1180 литрдан сут олишга эришдик. Демак, сигирлар яхши парвариш қилинса, уларнинг сутини кескин равишда ошириш мумкин. Шунинг учун ҳам ўтган йил колхозимиз ҳарбир сигиридан планда мўлжалланган 1600 ўрнига 1770 литрга етказиб сут олди.

Сигирлардан кўплаб сут согиб олишда сут согувчиларнинг моҳирлиги катта роль ўйнамоқда. Илғор сут согувчимиз ўртоқ Мас'уда Ёқубова ўз иши билан, айниқса ҳаммага намуна бўлаётир. У, ўзига бириктирган 14 сигирдан пландаги 32900 ўрнига 37469 килограмм сут согиб олиб, 1960 йилга мўлжалланган топшириқдан ҳам ошириб юборди. Ўртоқ Ёқубова пландан ортиқ сут согиб олгани учун қўшимчақ тариқасида 1248 килограмм сут олди.

Колхозда чорвачилик биноларини қуриш ҳам кучайтириб юборилди. 400 мол учун сигирхона, бузоқхона қурилди. Асосий ишлар механизациялаштирилмоқда. Автопоилкалар қуриш тугалланмоқда.

Биз колхозда чорванинг бошқа турларини ҳам ривожлантираётирмиз. Чорвачилик фермаси кенгайтирилаётир. Ўтган йили колхоздаги чўчқалардан 221 бола олинди. Қўйчиликни ривожлантириш плани 103 процент адо этилди. Қўйлар сони кўпайиши туфайли колхозчиларнинг меҳнат кунига ҳам 1046 қўй тақсимлаб бериш мумкин бўлди. Шундай қилиб, энди чорвачилик хўжаликнинг етакчи тармоғига айланди. Колхоз 1955 йилда чорвачиликдан 503 минг 909 сўм даромад олди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик план юзасидан КПСС XX с'ездининг Директивалари проектида жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш кўзда тутилади. Биз янги бешйилликда мавжуд имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланиб, чорвачиликни колхоз хўжалигининг янада сердаромад тармоғига айлантириш учун курашамиз.

Ҳ. ОТАЖОНОВ,

Тошкент районидаги Каганович номли колхознинг раиси.

Янги бешйилликда

Областимизнинг баҳорикор ва шартли суғориладиган ерларида буғдой, арпа каби экинлар, суғориладиган ерларида манкажўхори ва оқжўхори экинлари билан бирқаторда энг қимматли озиқ маҳсулоти бўлган шоли майдонлари ҳам кенгайтирилади ва уларнинг ялпи ҳосили оширилади. Областимиз шоликорликда ва ялпи шоли етиштиришда республикада биринчи ўринда туради. Шоликорликда анча тажриба тўплаган кўпгина колхозларимиз бор. Ўртасарой районидаги «Полярная звезда», Юқоричирчиқ районидаги Свердлов номли, «Победа» колхозлари ва бошқа қишлоқ хўжалик артеллари шолидан муттассил мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар.

1955 йилда областимиз колхозлари шоли ҳосилини ошириш учун қандай курашган бўлсалар, 1956 йилда ҳам шоли майдони анча кенгайтирилади ва унинг ҳосили янада оширилади. 1960 йилга бориб шолининг ялпи ҳосили кескин кўпайтирилади.

Бу муҳим вазифани бажаришда асосий э'тибор экин ҳосилини ошириш билан бирга шоликорликларни ҳам кенгайтиришга қаратилади. Сирдар'ё, Оҳангарон, Чирчиқ дар'ёлари бўйларидаги пастликлар, Бекобод районидаги бўш ётган кўпгина массивлар ўзлаштирилиб шоликорликларга айлантирилади.

Шоликорликдаги асосий ишлар кенг механизациялаштирилади, алмашлаб экиш жорий қилинади, шоли агротехникасининг муҳим масалалари ҳал этилади.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX с'ездининг Директивалари проектида республикамизда 1960 йилга бориб пахта етиштириш 1955 йилдагига нисбатан тахминан 1,5 баравар, гўшт етиштириш — 2,4 баравар, сут—2,3 баравар, жун—1,9 баравар, қоракўл териси—1,5 баравар, пилла — 1,6 баравар кўп етиштирилиши кўзда тутилган.

Колхозимизнинг янги бешйиллик плани

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари олтинчи бешйиллик план тўғрисидаги КПСС XX с'езди Директивалари проектини қизғин ма'қуллаш билан бирга, Ватанимиз куч-қудратини, халқимиз фаровонлигини янада оширишни кўзда тутган бу улуғвор программани амалга оширишда муносиб ҳисса қўшиш учун курашмоқдалар. С'езд шарафига бошланиб кетган социалистик мусобақа тобора қизиб бормоқда. Колхозимиз а'золари ҳам ана шу социалистик мусобақага қўшилиб, кўклам экин кампаниясига тайёргарлик ишларини кучайтириб юбордилар. Илгари қолоқ ҳисобланиб келган бу колхозни районимизда юқори ҳосилли колхозлардан бирига айлантириш учун курашмоқдалар.

«XIX партс'езд» колхози Янгийўл районида энг қолоқ ва камқувват колхоз эди. 1955 йил колхоз хўжалигида катта бурилиш йили бўлди. Колхозчилар фидокорона меҳнат қилиб ва прогрессив методни кенг қўллаб, ҳар гектар ердан 27,5 центнер ўрнига 29,2 центнердан ҳосил олдилар. Дастлабки ҳисобга қараганда колхозчилар ҳарбир меҳнат куни учун 10 сўмдан пул ва 2 килограммдан ортиқ ғалла оладилар.

Нима учун ўтган йили колхозда бундай силкиш юз берди? Бунинг сабаби шуки, колхоз правлениеси, колхоз бошланғич партия ташкилоти ва колхоз активлари колхозни қолоқликдан чиқаришнинг асосий омили бўлган одамлар билан ишлаш, илғорларни рағбатлантириш, уларнинг ташаббускорлигини оширишдан иборат, деб белгилаб олдилар. Колхоз тақдирини ҳал қилучи кўпчиликдир. Ҳарқандай қийинчилик ҳам шу азамат кишиларнинг фидокорона меҳнати билан енгилади.

Дастлаб меҳнатни тўғри ташкил этиш учун меҳнат нормалари аниқ белгиланди, меҳнатга ҳақ тўлаш тартибга солинди. Ҳар 10 кунда колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаб борилди. Колхозчиларга маиший хизмат кўрсатиш яхшиланди, социалистик мусобақа юзасидан ўзаро текширишлар мунтазам ўтказилиб, илғорларга кўчма Қизил байроқ бериб борилди. Шунингдек колхоз правлениеси колхозчиларнинг эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилди, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш тадбирларини кўрди.

Ўтган йили 700 гектар пахта майдонидан 440 гектари иккитомонлама ишланди, қолган пахта майдонига торқаторлаб чигит экилди. Шу туфайли ҳар йили кечикиб кетадиган ягона ўз вақтида ўтказилди. Умуман колхозда янги, прогрессив метод жорий этилгани учун ўтган йили 50 минг меҳнат куни тежалди.

Олдинги йиллари колхозда ғўзаларни суғориш бетартиб ва плансиз равишда олиб борилган, сувдан нала-партиш фойдаланиб, исрофгарчиликка йўл қўйилган эди. Биз буни тартибга солдик. 1955 йилда ғўзалар агротехника қоидаларига риоя қилиниб, беш марта суғорилди, пахтанинг ўз вақтида очилиши та'минланди, сув исрофгарчилигига йўл қўйилмади. Ғўзаларни минерал ўғит билан озиқлантиришда ҳам 1954 йилда йўл қўйилган хатолар тугатилди. Ғўзаларга ўз вақтида озиқ солинди, бундан ташқари 100 гектар ердаги ғўза янги усулда — баргидан озиқлантирилди.

Мана шу каби кўп тадбирлар колхозимизнинг қолоқликдан чиқиб олишига имкон берди. Ҳозир колхозимиз а'золари КПСС XX с'езди Директивалари проектини муҳокама қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг перспектив планини ишлаб чиқишга ва шу план асосида иш олиб боришга қарор қилдилар. Биз КПСС XX с'езди Директиваларидан илҳомланиб, колхозимизнинг 1956 — 1960 йилларга мўлжалланган бешйиллик планини тайёрламоқдамиз. Колхозимизнинг бешйиллик плани пахта ҳосилини муттасил ошираборишга қаратилган. Колхозда пахта ҳосилини ошириш, пахта-беда almашлаб экишни жорий қилишга боғлиқдир. Almашлаб экишни жорий қилмай, ерга дам бермай, унинг унумдорлигини оширмай туриб пахтадан муттасил мўл ҳосил олиб бўлмайди. Биз бешйиллик планда almашлаб экишни тўла жорий қилишни планлаштирдик.

Масалан, 1956 йилда almашлаб экишга (мавжуд беда майдонидан ташқари) 50 гектар ўрнига, 1956 йилда 650 гектар ерга чигит экамиз. Бу ерларнинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олиб, давлатга 2080 тонна пахта етказиб беришимиз керак. 1960 йилда эса пахта майдони кенгайтирилмагани ҳолда, аксинча, almашлаб экишни жорий қилиш ҳисобига камайтирилиб, я'ни 1956 йилдаги 650 гектар ўрнига 1960 йилда 620 гектар ерга чигит экамиз ва ҳар гектар ердан 34,5 центнердан ҳосил олиб, давлатга 2139 тонна пахта етказиб берамиз. Демак, колхозимизда беш йил ичида ҳар гектар ердан олиналиган пахта ҳосили 5,3 центнер кўпаяди.

КПСС XX с'ездининг олтинчи бешйиллик план тўғрисидаги Директивалари проектидан илҳомланган колхозимиз а'золари қонкрет мажбурият олдилар ва ҳозир, 1956 йилда мўл ҳосил етиштириш учун тайёргарлик ишларини қизитиб юборилар.

Н. ВОҲИДОВ,

Янгийўл районидаги «XIX партс'езд» колхозининг раиси.

Пахтачилик янада ривожлантирилади

КПСС XX с'езди Директивалари проектида халқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин ривожлантириш перспективалари яққол кўрсатиб берилган. Олтинчи бешйилликда мамлакатимизда саноат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили ва озиқ-овқат маҳсулотлари янада кўпайтирилади.

Партиямизнинг бу Директивалари проектида республикамизда пахта ҳосилини янада оширишга, пахта майдонини кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилган. Колхозларни ташкилий хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигига ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қиладиган кадрларни қўйиш Директивалар проектида ўз ифодасини топган.

Мен раҳбарлик қилаётган Маленков номли колхоз бундан 3—4 йил илгари қолоқ колхозлар жумласига кирар эди. Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлиги, МТС механизаторларининг яқиндан берган ёрдами туфайли пахта ҳосилини бирмунча оширишга, колхоз экономикасини мустаҳкамлашга эришдик. Колхозимиз 1953 йилда 810 гектар ернинг ҳар гектаридан 11,5 центнердан ҳосил олган эди. 1954 йилда бу миқдор 17,5 центнерга етказилди. Ўтган йили пахтакорлар янги, прогрессив усулларни кенг қўллаб, пландаги 20 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 22,5 центнердан пахта топшириб, белгиланган топшириқни анча ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ички имкониятларни, ресурсларни ҳисоблаб чиқиб, бундан кейин ҳам пахта ҳосилини ошириш режаларини тузмоқда. Ҳозир тайёрланаётган бешйиллик планимизга мувофиқ 1960 йилга бориб гектаридан 26 центнердан пахта топшириш керак. Биз шу план бирга пахта майдонини ҳам 150 гектарга кенгайтирамиз. Бунинг учун колхоз а'золари, МТС механизаторлари план биргаликда астойдил ишлайдилар, деҳончиликда янги, прогрессив методларни кенг қўлланадилар.

1955 йилда 350 гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экканимиз ва бу ерлардаги ғўзаларни иккитомонлама культивация қилганимиз учун ҳосил 1954 йилдагига нисбатан гектарига 5 центнердан кўпайди. Ўртоқ Т. Турсунов бошлиқ бригада эса ана шу усулни янада яхшироқ амалга ошириб, ҳар гектар ердан 31 центнердан пахта йиғиб олди.

Пахтакорларимиз бу йил ҳам ҳосилни планда кўрсатилганидан анча ошириш учун шу кунларда кўклам дала ишларини кучайтириб юбордилар. Маҳаллий ўғит тайёрлаш, ариқ-зовурларни тартибга келтириб кўйиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Илғор бригада ва звеноларнинг а'золари кўкламга тайёргарлик кўришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Колхозда пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликни ҳам ривожлантиришга алоҳида э'тибор берилаётир. Ҳарбир сигирдан 1954 йилдагига нисбатан 1108 литрдан кўпроқ сут согиб олинди. Биз сигирларнинг парваришини яхшилаб, уларни ширали, сершув ем-хашаклар билан сифатли боқиб, сут маҳсулотларини янада кўпайтирамиз.

Пахтачиликда ҳам, чорвачиликда ҳам янги методларни жорий қилиш муваффақият келтираётганлигини амалда кўрмоқдамиз. Колхозда ғўза парваришда даврида асосий иш механизация ёрдами билан бажарилганлиги учун 16 мингдан кўпроқ меҳнат куни тежаб қолинди, чорвачиликдаги ишлар ҳам илгариги йилларга нисбатан ортиқроқ механизациялаштирилмоқда.

Almашлаб экиш пахтадан мўл ҳосил олишда асосий шартлардан биридир. Биз ўзимиз тузаётган бешйиллик планимизда almашлаб экишни тўла амалга оширишни кўзда тутмоқдамиз. Ҳозир 810 гектар пахта майдони бор, 252 гектар бедазорга эгамиз. Бу йил янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига 14 гектар ерга беда экамиз ва бедапоя майдонини 266 гектарга етказамиз, беда ҳосилини ҳам оширий, чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратамиз.

1956 йилда пахтачиликда янги, прогрессив методларни кенг қўлланиш, илғорлар тажрибасини муваффақиятли амалга ошириш йўли билан пахта ҳосилини ўтган йилдагига нисбатан анча кўпайтирамиз. Бу, республикамизда пахтачиликни ривожлантиришга бизнинг қўшган ҳиссамиз бўлади.

Ж. САФАРОВ,

Октябрь районидаги Маленков номли колхоз раиси.

КАНОП-ЖУТ

Каноп-жут етиштириш областимиз қишлоқ хўжалигида ҳал қилучи ва муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун курашаётган илғор колхозларнинг а'золари каноп-жут экинларини агротехниканинг янги, прогрессив методлари асосида парвариш қилиб, йил сайин яхши натижаларга эришмоқдалар. Натижада ўзларининг экономикаларини тобора мустаҳкамлаётирлар, областимизда каноп-жут ҳосили йил сайин ошиб бормоқда.

Каноп-жут ялпи ҳосили асосан экин майдонлари ҳосилини ошириш ҳисобига кўпайтирилади. Каноп ва жут етиштираётган илғор район ва колхозларнинг тажрибаси бу экин ҳосилини кескин кўтариш учун катта имконият бор эканлигини кўрсатаётир. Масалан, Юқоричирчиқ район колхозлари 1955 йилда давлатга пландан ташқари 7100 тонна каноп-жут пояси топширдилар. Шу райондаги Свердлов номли колхозда (раиси Ўртоқ Д. Ким) ҳар гектар ерда пландаги 41,7 ўрнига 109,6 центнердан, «Политотдел» колхозида 39,3 ўрнига 102,8 центнердан ҳосил етиштирилди. Шунга ўхшаш Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли ва бошқа колхозлар ҳам каноп-жут ҳосилини муттасил ошириб келмоқдалар. Ўтган бешйилликлар давомида ўнлаб колхозчилар каноп ва жутдан мўл ҳосил етиштирганликлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон олишга эришдилар, СССР орден ва медальлари билан мукофотландилар.

Олтинчи бешйиллик давомида илғор тажриба ва фан ютуқлари янада кенг қўлланилади, каноп-жут етиштириш моддий-техника базаси янада мустаҳкамланади.

Картошка ва сабзавот ҳосили мўл бўлади

1955 йилнинг бошларида колхозимизга келган кишилар: «Ўтган қишлоқ хўжалик йили қандай якунланди, сабзавот маҳсулотлари етиштириш плани бажарилдими?» деб сўраб қолсалар, нима дейишни билмас эдик. Чунки, колхозда картошка майдонининг ҳар гектаридан фақат 30 центнердан, сабзавот ва полиз экинларидан 52 — 76 центнердан ҳосил олиб, шаҳар меҳнаткашларининг бу маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш ишига етарли ҳисса қўшаолмаган эдик. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан олиган даромадимиз ҳам жуда паст эди.

Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти 1954 йилда йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, ўтган йили барча қишлоқ хўжалик ишларини қайта ташкил қилди. Барча куч ва ички имкониятлар мўл ҳосил етиштириш ишига тўла сафарбар этилди. Колхозчилар ўртасида меҳнат интизоми мустаҳкамланди, ўзаро социалистик мусобақа кучайтириб юборилди. Партиямиз тарихий қарорларидан илҳомланган ва бу қарорларни бирламчик билан амалга ошириш учун астойдил бел боғлаган колхозимиз а'золари ўзларининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан мўл ҳосилга пухта замин тайёрлайбошладилар.

Ўтган йили механизация кучидан тўла ва унумли фойдаланганимиз, агротехника фани ютуқлари ва илғорлар тажрибасини кенг қўлланганимиз, тувакчаларда кўчат етказиб, кўклам экин кампаниясини муваффақиятли ўтказганимиз кўпчилик майдондаги экинлар икки томонлама сифатли парваришланганлиги сабабли 1954 йилга қараганда анча кўп ҳосил олишга эришдик. 1954 йилга нисбатан ўтган йили картошка маҳсулоти ҳар гектарига 26 центнердан, сабзавот экинлари ҳосили 98, полиз экинлари эса 99 центнердан ошди. Айниқса, квадрат-уялаб экилган картошка, карам, мажжажўхори ва уруғлик экинлардан юқори ҳосил олинди.

Колхозимиз а'золари қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган чорвачиликни ривожлантириш ишига ҳам алоҳида э'тибор бердилар, сут ва гўшт маҳсулотлари олиш анча кўпайди. 1954 йилда ҳарбир сигирдан 800 литрдан сут согиб олинган бўлса, ўтган йили 1600 литрдан ошириб сут маҳсулоти олишга эришдик.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956 — 1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX с'езди Директивалари проекти колхозимиз а'золарини янада зўр ғайрат билан фидокорона меҳнат қилишга илҳомлантириб юборди. Колхозчилар МТС механизаторлари билан ҳамкорликда ишлаб, экин майдонларини тўла ва сифатли шудгордан чиқардилар. Ҳосил миқдорини ўтган йилгидан кўра, анча ошириш мақсадида ҳозиргача 150 тонна минерал, 6 минг тонна маҳаллий ўғит тайёрланди. Парник хўжалигида эртаги экинлар учун 80 процентга яқин кўчатлар тувакчаларда парвариш қилинмоқда. Шу кунларда ҳам 10 та юк машинаси, 30 та арава билан далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш давом этдирилаётир. Колхозчиларимизнинг фидокорона меҳнатлари, шубҳасиз, ўзининг самарали натижаларини беради. Бу йил квадрат-уялаб экиладиган картошка ва сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштирамиз. Шаҳар меҳнаткашларини картошка ва сабзавот маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришга муносиб ҳисса қўшиш учун курашамиз.

Колхозимиз а'золари 1956 — 1960 йиллар орасида қилинадиган асосий қишлоқ хўжалик ишларини планлаштириб чиқилар. Биз ана шу план асосида экин майдонларини йилдан-йилга кенгайтириб, мўл ҳосил етиштириш, чорвачилик, богдорчилик, паррандачиликни тинмай ривожлантириш учун фидокорона меҳнат қиладилар.

М. ИСМОИЛОВ,

Қорасув районидаги Свердлов номли колхоз раиси.

Янги бешйилликда

Халқ хўжалигида ипакчиликнинг аҳамияти жуда катта. Колхозларимиз хўжаликнинг бу тармоғидан ҳам катта даромад олмоқдалар.

КПСС XX с'ездининг олтинчи бешйиллик план тўғрисидаги Директивалари проектида ипакчиликни ҳам ҳартомонлама ривожлантириш кўзда тутилади. Областимиз колхозлари янги бешйилликда пилланинг ялпи ҳосилини 60 процент оширишлари, шу ҳисобдан 1956 йилда давлатга 850 тонна пилла топширишлари керак.

Бу вазифани бажариш учун барча имконият бор. Бунга илғор район, колхоз ва звеноларнинг тажрибаси яққол мисол бўлаолади. Масалан, Мирзачўл районида ўтган йил ҳар қути уруғдан пландаги 59,5 ўрнига 70,7 килограммдан пилла олинди. Шу райондаги Сталин номли колхози а'золари ҳар қути уруғдан 95,2, Ленин номли колхоз а'золари 88 килограммдан пилла топширдилар.

Олтинчи бешйиллик давомида ҳамма колхозларда ҳам мўл ҳосил етиштиришга эришувимиз лозим. Бунинг учун илғорлар тажрибасини кенг ёйишимиз, кадрлар тайёрлашимиз, уларнинг малакасини тинмай оширишимиз, озиқ базасини мустаҳкамлашимиз зарур. Янги бешйиллик давомида 400 колхоз агротехниклари тайёрланади, 5 минг звено бошлиқлари ўқитилиб, малакаси оширилади.

Тутзорлар кенгайтирилиб ҳар йили 4 миллиси тупдан нўхат ўтказилади ва 4 минг гектардан ортиқ майдондаги тутзорлар қайта қурилиб, тартибга солинади.

Пахтачиликни комплекс механизациялаштирамиз

Районимиз пахтакорлари ва барча қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС XX с'ездининг олтинчи бешйиллик план юзасидан Директивалари проектини зўр қувонч билан кутиб олдилар. Олтинчи бешйилликда республикамизда пахта етиштиришни 50 процент кўпайтиришимиз керак. Бу улуғвор вазифани бажариш учун районимиз колхозчилари, МТС механизаторлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун фидокорона меҳнат қиладилар.

Районимиз колхозлари давлатга топшириладиган ялпи пахта миқдорини кўпайтириш учун янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига пахта майдонларини кенгайтирадилар ҳамда экин ҳосилини оширадилар. Броқ, бизда янги ўзлаштириладиган майдонлар кам. Шунинг учун пахтани кўплаб етиштиришда ҳосилни ҳартомонлама ошириш асосий вазифа бўлиб қолади. Бунинг учун бизда етарли резерв ва имкониятлар бор. Буни ўтган бешйилликдаги ишларимиз яқуни тасдиқлайди. Масалан, 1949 йилда район бўйича ҳар гектардан 26,2 центнердан пахта етиштирилди. Шундай қилиб, тўртинчи бешйиллигнинг охирги йили ва бешинчи бешйиллик даврида район бўйича ҳар гектар ер ҳосили 7,3 центнер ёки 28 процент ошди. Бу даврда районимиз ҳар йили ҳам пахта тайёрлаш давлат планини бажариб келди.

Айрим йилларда бундан ҳам кўп ҳосил етиштирилди. «Қизил Ўзбекистон» колхози а'золари ҳар гектар ерда 36,7 центнердан ҳосил олган бўлсалар, Маленков номли, Киров номли колхозларнинг пахтакорлари ҳам 35,8—35,7 центнердан ҳосил олдилар. Хрушчев номли, Сталин номли, Молотов номли колхозлар ҳам мўл ҳосил етиштиришда катта ютуқларга эришган бўлсалар, Охунбобоев номли, «Сталинград», «Ленинград» колхозлари қолоқликдан чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумида МТС ларнинг ҳозирги шароитдаги асосий вазифаси белгилаб берилди. МТС колхоз ишлабчиқаришини ривожлантиришда ҳал этучи куч бўлиб қолди. МТС имиз район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлиги ва ёрдами билан сентябрь Пленуми қарори асосида ўз ишини қайта қурди. Колхозларга ташкилий, агротехника раҳбарлиги кучайтирилди. МТСнинг моддий техника базаси мустаҳкамланди.

Колхозларга 10 ихтисосли ва иш малакасига эга бўлган агрономлар юборилди, механик бригадалар состави ишбилармон ходимлар билан мустаҳкамланди. 185 трактористи ва 9 механик тайёрланди. Уларнинг иш малакасини ва билимини такомиллаштириш учун техника раҳбарлиги сифати яхшиланди, илғорлар тажрибаси кенг сур'атда оммалаштирилиб борилди, семинарлар ўтказилиб турилди. Бу эса асосий ишларни кўпроқ механизациялаштиришга, техникадан унумли фойдаланишга ёрдам берди. Бригада механикларидан Маленков номли колхозда С. Джапаров, «Қизил Ўзбекистон» колхозида Белик, Сталин номли колхозда В. Бадилов ўртоқлар пахтачиликни механизациялаштиришнинг энг уста раҳбарлари бўлиб қолдилар. Илғор трактористлардан Х. Исмоилов, М. Ёлқонов, Х. Содиқов, Н. Шўлатов ўртоқлар дала ишларининг барча процессларида ишлайдиган маҳоратга эга бўлдилар. Агрономлардан Охунбобоев номли колхозда Мавлюдов, Хрушчев номли колхозда Назиров, «Қизил Ўзбекистон» колхозида Олиференко ўртоқлар далаларда ишлабчиқаришни ташкил этишда ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

Агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли ўтказиш ҳам мўл ҳосил етиштиришда катта резервдир. Бунда далачилик бригадалари билан трактор бригадаларининг ишини тўғри қўйиш катта аҳамиятга эга. Районимизда йил сайин пахта тайёрлаш планининг бажарилиши бунинг амалий натижасидир. Бизда чигит нуқул шудгор қилинган ерга экилади. Ўтган йили чигит экиш 16 апрельда, яганалаш 10 майда, қатор ораларини асосий ишлаш 15—20 июльларда тугалланди. Демак, ҳарбир тадбиримиз муддатларда тез ва сифатли бажарилди.

Шундай қилиб, МТС ва колхозларимиз пахта ҳосилини муттасил оширишнинг барча имконият ва резервларига эгадирлар. Броқ биз бу имкониятлардан тўла фойдаланаётганимиз йўқ. Жумладан, районимиз илғор районлардан ҳисобланса ҳам, биз пахтачиликни ҳали комплекс механизациялаштираолмаётирмиз. Иқрор бўлиш керакки, пахтани машина билан териш иши талабга мутлақо жавоб бермайди.

1956 йилда пахта майдонини 5876 гектарга, ҳар гектар ҳосилини 34,5 центнерга, 1960 йилда ҳар гектар ҳосилини 36,7 центнерга етказишимиз керак. Агар бизда мавжуд резервларни тўла ишга солсак, бу кўрсаткичлар асло чегара бўлаолмайди. Барча колхозларда мўл ҳосил учун курашни изчил равишда давом этдириш билан бирга камҳосилли колхозларни илғорлар даражасига етказиш биринчи ўринда туриши зарур. Тажриба бу тадбирларнинг гоят муҳим эканлигини кўрсатди. Масалан Охунбобоев номли, «Сталинград», «Ленинград» колхозлари қолоқ, камҳосилли колхозлар эди. Бу колхозлар а'золарининг истакларига мувофиқ район партия, совет ташкилотлари МТС, колхоз раҳбарлигини мустаҳкамлашга жиддий э'тибор берди. Уларга колхоз ишида синалган кадрлар юборилди. Натижада бу колхозларда ҳам мўл ҳосил етиштирилиб, план оширилб бажарилди. Охунбобоев номли колхозда ҳар гектар ерда 27,6 ўрнига 28,9, «Ленинград» колхозида 23,2 ўрнига 24,2, «Сталинград» колхозида 26,8 ўрнига 28,41 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Агар биз камҳосилли колхозларга раҳбарликни янада яхшиласак, яқин йилларда бу колхозлар ҳам 35—36 центнердан ҳосил етиштираоладилар.

Биз эндиликда пахтачиликни комплекс механизациялаштиришга узил-кесил киришувимиз керак. Бизда пахтачиликдаги асосий ишларнинг кўпи механизациялаштирилган. Лекин пахтанинг дейрли қўлда терилиши кечирилмас бир ҳолдир. МТСда 303 механизатор бор ва буларнинг кўпи техникани анча яхши эгаллаган. Вазифа ана шу катта кучдан тўла фойдаланиб, яқин йиллар ичида пахтани асосан машина билан теришга эришишдир.

Пахтачиликда янги, прогрессив методларни кенг қўлланиш ҳам гоят муҳим. Ўтган йили 470 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилди, 640 гектар ердаги ғўза машина билан кўндалангига қирқиб ягаланади. Бу ердаги ғўзалар қатор ораси иккитомонлама ишланиб, қўл меҳнати тежалди. Биз янги бешйилликда ғўзани асосан квадрат ва тўғри бурчак уялаб ўстиришимиз керак. Шунинг учун бу йил 1350 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилади ва 1250 гектар ерда ғўзалар кўндалангига ягана қилинади. Демак, бу йил пахтачиликда механизациянинг қўлланиш доираси янада кенгаяди. Бу ишни муваффақиятли ўтказиш учун ҳозирдан бошлаб экиш агрегатлари учун 296 киши, далачилик бригада бошлиқларидан 124 киши, трактор бригада бошлиқлари ва уларнинг ёрдамчиларидан 50 кишини ўқитиш-ўргатишга киришлик.

Олтинчи бешйилликда колхозлар экономикасини янада мустаҳкамлашимиз, бунинг учун колхозчилар, механизаторлар ва ишлабчиқариш раҳбарларининг билим ва малакасини тинмай оширишимиз керак. Омма ўртасида ташаббускорликни кучайтиришимиз, меҳнатни тўғри уюштиришимиз, медлий-техника воситаларидан тўла фойдаланиб, меҳнат унумини юқсак даражага кўтаришимиз лозим. Шунда пахтанинг таннархи камаяди, меҳнат кунининг қиммати, колхоз ва колхозчилар даромади ошади.

Партия ва Ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлигига суяниб, МТС коллективи ва пахтакорларимиз олтинчи бешйиллик планни муддатидан олдин ошириб бажариш учун курашадилар.

С. АБДУРАШИДОВ,

Оржоникидзе район МТСининг директори.

САТИРА ВА ЮМОР

Юз-хотир қилмасдан...

Ҳавойи рақамлар

Қишлоқ Советининг раиси жиринглаган телефон трубкасини шошмасдан олиб, қулоғига тутди.

— Алло, эшитаман, ҳа Паркент қишлоқ Советининг раиси Тўлаганов бўламан. Хизмат? Нима—нима, лекция ўқиб бериш дейсизми? Ким, менми, у нима деганингиз? Биродар сиз янглишаяпсиз, район маданият бўлимининг мудири ўртоқ Зокир Салимовга телефон қилинг, ана ўша киши лекция ишлари билан шуғулланади. Бу ер қишлоқ Советининг идораси. А, сизга мени лектор деб ким айтди? Э бўлмаган гап.

Тўлаганов зарда билан телефон трубкасини қўяр экан, эшикдан кириб келаётган бир йигитга кўзи тушди.

— Мумкинми?— деб сўради раис қаршисига келиб қолган йигит.

— Келинг, хизмат?

— Бизга бир ёрдам берсангиз....

— Хўб, хўб, нима тўғрисида?,—сўради Тўлаганов.

— Биз одамларни йиғиб динга қарши лекция ўтказмоқчи эдик. Сиз шу темада лекция ўқиб юрган экансиз, шунга...

— Лекция ўқиб юрган эканман?—Тўлаганов ажабланиб шошканча сўради.

— Ҳа, ўтган йили лекторлар группасидаги 23 кишн 65 та лекция ўқиган экан, шу жумладан Сиз 2 та лекция ўқигансиз, ўша лекцияигиз жуда қизиқарли бўлган экан. Ўртоқ Зокир Салимов айтдилар. Областьга юборилган сводкани ҳам кўрдим.

— Тавба, — деди Тўлаганов ҳайрон бўлиб,—менинг лекторлигимни, ҳамда лекция ўқиб юрганлигимни Паркент район маданият бўлимининг мудири ўртоқ Зокир Салимовга телефон қилинг, ана ўша киши лекция ишлари билан шуғулланади. А, сизга мени лектор деб ким айтди? Э бўлмаган гап.

— Ўртоқ Тўлаганов,—йигит ишонмай ялина бошлади,—унақа деманг, одамларга хабар қилиб қўйганмиз, илтимос...

— Не, қизиқмисиз, мен лектор эмасман дедим-ку. Бу ҳақда менга ҳечким, ҳечнарса деган ҳам эмас.

Йигит ҳайрон бўлди. У район маданият бўлими томонидан ўтказилган 65 лекциянинг ҳаммаси ҳам шу хилда ўтказилганмикан, область маданият бўлимидаги ўртоқлар мана шу ҳавойи рақамларга ишонаберсалар, тоза бўлган экан, деб ўйлаганча қишлоқ Совети идорасидан чиқиб кетди.

Б. ХАЛИЛОВ.

Раис хотиржам

Раис ўтирар идорасида,
Рапорт нусхаси рўпарасида, —
Бултурги план, ютуқ ҳаммаси
Ёзилган унда қолмай биттаси,

Ойна остидан кўринар ҳар кун,
Раис дер боқиб: «Чаккимас якун»
«100»ни кўрсатган катта рақамлар
Кўзи ўнгида қилар мақомлар.

«Тавба» деб кетган ким бўлди экан,
Раис устидан ким кулди экан?
Зовур ишининг чўзилганини
Графикларнинг бузилганини

Кўрган пахтакор ўтдими ҳали,
Ё келганмиди арзин айтгали.
Ёки мўл ҳосил устаси, деҳқон
Ернинг мағзини титқилаб шуон



Бултурги ишни мисолга олар,
Хотиржамлиги билиниб қолар.
Чўнтакда ҳам шу хомчўт-дафтарча,
Рақамчалардан унда бирнеча.

Раисга одат бўлган бу аҳвол,
Фасл дер, раис ишга қўйманг хол.
Қаранг далада баҳор кезмоқда,
Кўклам шамолин қалблар сезмоқда,

Қуёш тапти ҳам бошқача букун,
Даҳли йўқми ё булар сиз учун,
Кимдир идора ёнидан ўтиб,
«Тавба» деб кетди аччиғи тутиб.

Қўшимча озиқ сўраб келганми,
Хотиржамликни у ҳам билганми.
Ёки трактор ивирсилаши
Жонига тегиб ер титкилаши,

Қачон тугайди деб ахир шудгор,
Келганми арзга бошқа пахтакор.
Раис кўнглида ҳамма иш башанг,
Телефонлари ҳарёққа жаранг...

Бу йилги ишлар имиллар аранг,
Ҳамма дер раис хотиржам, қаранг!

НАЗАРМАТ.

Та'магир бюрократ

Анвархон Алиева Тошкент шаҳар Сталин район райпишчеторгига директор бўлиб келганида шундай баландпарвоз ва'далар бердики, бу ва'даларнинг шабадасига қанотсиз учиш мумкин эди. Масалан, у районнинг Янгиобод ва қўшни маҳаллалардаги меҳнаткашларига хизмат қиладиган 58-нчи магазинни кенгайтиришга, озиқ-овқат моллари билан сероб қилишга ва'да берди. Меҳнаткашлар бундан беҳад хурсанд бўлишди.

Афсуски, орадан кўп ўтмай, Алиеванинг ва'далари совун кўпигидек ҳавога учди, магазинни кенгайтириш, уни озиқ-овқат билан нормал та'минлаш ўрнига 13-нчи магазинга филиал қилиб қўйилди. Бу ҳам майли-я, аммо унинг кўрслиги, та'магирлиги, бюрократлигини айтмайсизми. Меҳнаткашлар шикоят қилиб келса бирига «кексайиб, миянгиз айниб қопти» деса, яна бирига «ёшсан, тушунмайсан, тошингни тер» деб кабинетдан ҳайдаб чиқарабошлади.

Буйруқ беришни яхши кўрган Алиеванинг та'магирлик жазаваси тутса борми, ҳай-ҳай, унга рўпара бўлакўрманг, икки оғиз гап-у, бир-эплик қоғоз блан бу дарғоҳдан изингизни қуритиб кетаверасиз.

Яқинда шундай ҳодиса рўй берди: Алиева магазинга келди. Чой ичилган пиёла олов чақнаган кўзларига рюмка бўлиб кўринди, қабул қилинган шишалар эса ҳозир бўшатилган туюлди. У магазин ходими Муҳаммад Искандаровга обдан дўқ урди, обрўсизлантирди, кейин бўшатиш ҳақида буйруқ чиқарди.

Искандаров ким? Улуғ Ватан уруши инвалиди, савдо системасида 1946 йилдан бери ишлайди. Ма'мурий жазо олмаган, 12 марта ташаккурномага сазовор бўлган софдил, хушмуомила савдо ходими. Шундай кишн Алиевага ёқмай қолди. Искандаровнинг айби шуки, директорнинг киссасини пулга тўлдиришда ҳисса қўшмади, лаганбардорлик қилмади.

Алиеванинг ўтакетган бюрократ, та'магир эканлигини 1955 йилнинг 6 ойи мобайнида 37 кишининг ишдан бўшатилгани ҳам тасдиқлайди.

Очиқ гап ҳам, меҳнаткашларнинг талаби ҳам шуки, бюрократизм пўпанаги босиб, ўзи хон, қўланкаси майдон бўлган Анвархон Алиеванинг жилови тортиб қўйилсин!

У. РАСУЛЕВ, З. ИСАМУҲАМЕДОВ, Н. АЛИМОВ, Н. ЗАЙНИДДИНОВ.

Тартибсиз ошхона

Гулистон район марказидаги умумий овқатланиш тармоғига қарашли ошхона меҳнаткашлар талабига мувофиқ хизмат қилмаётганини айтмасак ҳам бўлади. Буфетчи Ҳамидулла Қосимов, официантка Соня Исмаиловага бурнидан ошиқроқ гапириб қўйсангиз дилингизни сиёх қилади.

Ошхона санитария-гигиена қоидалари талабига жавоб бермайди. Официантка Ўртоқ Исмаилова эса иста'молчиларга ювилмаган тарелкаларда овқат, нон келтиришга одатланиб қолган. Ундан тарелка, қошиқларнинг тоза бўлишини талаб этсангиз, у: «Қишлоқ жойда бунақанги қамчиликлар бўлаберади, бундан ортиқ қандай тозалик бўлсин», деб ўзининг ношудлигини оқламоқчи бўлади. Ошхона директори Ўртоқ Мансуровни бу ҳангомалардан бехабар деб бўлмайди. У, ошхонадаги шу камчиликларни дарҳол бартараф этиш ўрнига муросасозлик йўлига ўтиб олган. Ошхонада тартиб ва озодалик ўрнатилсин, бизнинг талабимиз мана шу.

К. НУРМАТОВ.

СОВЕТ-ВЕНГРИЯ САВДО МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

БУДАПЕШТ, 3 февраль. (ТАСС). Кейинги вақтда олиб борилган савдо музокаралари СССР билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида 1956 йилда ўзаро товарлар етказиб бериш тўғрисида 1956 йил 3 февральда Будапештда Протокол имзолаш билан муваффақиятли тамом бўлди.

Протокол ўзаро товарлар етказиб беришни 1955 йилдагига нисбатан анча кўпайтиришни кўзда тутади.

Совет Иттифоқи Венгрияга пахта, кокс, темир рудаси, ферросплавлар, ёғоч-тахта, ўғит, саноат ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар, шарикоподшипниклар ва Венгрия халқ хўжалиги учун зарур бўлган бошқа товарлар етказиб беради.

Венгрия Совет Иттифоқига денгиз ва дарё кемалари, кўтарма транспорт ускуналари, темирйўл вагони ва паровозлари, саноат ускуналарининг ба'зи хилларини, шунингдек газлама ва бошқа товарлар етказиб беради.

Протоколни Совет томонидан — СССРнинг Венгриядаги Савдо вакили Н. П. Майсеенко, Венгрия томонидан — Ташқи савдо министри Л. Гай имзоладилар.

Н. А. БУЛГАНИН ВА Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИГА ҚИЛГАН САФАРИ ТЎҒРИСИДА ХИТОЙДА ТЎПЛАМЛАР НАШР ЭТИЛДИ

ПЕКИН, 3 февраль. (ТАСС). Хитойда «Женьменьчубаньша» нашриёти СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиуми А'зоси Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонга, Бирмага ва Афғонистонга қилган сафарларига бағишланган учта тўпламни босмадан чиқарди. Бу тўпламлар кўп нусха нашр қилинди.

Биринчи тўпламга Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонда, Бирмада ва Афғонистонда бўлган вақтларида сўзлаган нутқлари, берган баёнотлари, қилган суҳбатлари, совет раҳбар арбоблари, Ҳиндистон, Бирма ва Афғонистон раҳбарлари имзолаган расмий ҳужжатлар киритилган.

Иккинчи тўпламга СССР Олий Советининг тўртинчи сессиясида Ҳиндистонга, Бирмага ва Афғонистонга қилинган сафар тўғрисида Н. А. Булганин қилган доклад ва Н. С. Хрушчев сўзлаган нутқ ҳамда СССР Олий Советининг Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг ана шу мамлакатларга қилган сафарларининг якунлари тўғрисидаги қарори киритилган.

Учинчи тўплам «Правда» газетаси махсус мухбирларининг совет раҳбар арбобларининг Осиё мамлакатларига қилган сафарлари тўғрисидаги хабарларидан иборат.

ЭКАДВНИНГ 12-НЧИ СЕССИЯСИДА

БАНГАЛОР, 3 февраль. **(ТАСС махсус мухбири).** Кеча кундузги мажлисининг бошида ЭКАДВ сессиясининг раиси ва раисниинг икки ўринбосари сайланди. Ҳиндистон вакили сессиянинг раиси қилиб сайланди, Филиппин ва Афғонистон вакиллари раисниинг ўринбосарлари қилиб сайланди.

Совет делегацияси сессия қатнашчиларига мурожаат қилиб, Хитой Халқ Республикасининг вакилига унинг ЭКАДВдаги қонуний ўрнини бериш масаласини қараб чиқишни сўради. Совет делегациясининг бошлиғи П. А. Малетин шу муносабат блан бундай деди: «Биз Неру жанобларининг ЭКАДВга янги мамлакатларни қабул қилиш ва, биринчи галда, одам резервлари ва модднй ресурслари жуда кўп бўлган Хитой ва Мўғулистон Халқ Республикаси қаби мамлакатларни қабул қилиш ҳақидаги таклифини табриклаймиз. Биз Неру жанобларининг Осиё мамлакатларидаги иқтисодий аҳвол масаласини ва Осиё ҳамда Узоқ Шарқ мамлакатларини жуда тез ривожлантириш учун зарур бўлган тадбирлар масаласини жуда чуқур анализ қилганлиги учун ундан миннатдормиз. Биз Неру жанобларининг ана шу фикрлари сессиянинг ишларига асос қилиб олиниши керак ва Хитойни қабул қилиш масаласини ҳал этган пайтда ана шу фикрларга амал қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз».

Таиланд вакили ХХР тўғрисидаги масалани муҳокама қилмасликни таклиф этди. АҚШ делегацияси бу таклифни қувватлади. Ҳиндистон делегацияси Таиланд вакилининг позициясига қарши чиқди.

Овозга қўйиш натижасида совет таклифи қабул қилинмади.

Сессия Мўғулистон Халқ Республикасининг БМТнинг Осиё ва Узоқ Шарқ учун тузилган иқтисодий комиссияси а'золигига қабул қилиш масаласини кун тартибига киритишни таклиф этди. Ҳиндистон вакили совет делегациясининг таклифини қувватлади.

АҚШ вакили Мўғулистон Халқ Республикасига қарши сурбетларча ҳужум қилиб, бу масалани кун тартибига киритишга қарши овоз беражагини айтди.

Мўғулистон Халқ Республикасини қабул қилиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш 3 февральда давом этдирилади.

АҚШ СЕНАТИДА ИДЕННИНГ НУТҚИ

ВАШИНГТОН, 3 февраль. (ТАСС). Кеча Англия бош министри Иден АҚШ сенатида нутқ сўзлади. Иден «жаҳон конфликти эҳтимолини» инкор қилаолмаганлигини айтиб, бунинг сабаби «сиртдан бўлаётган хавфдир» деб да'во қилди. Иден нутқининг бундан кейинги қисмидан ма'лум бўлишича, у миллий мустақиллик идеяларининг кенг ёйилаётганлигини, барча давлатларнинг тенгҳуқуқлилигини ва давлатлар ўртасидаги тотув ҳамкорликни ана шундай хавф деб ҳисоблайди. Иден бу идеяларнинг ёйилишини «совет экспанцияси» деб та'рифлаб, бу — «одамнинг руҳи учун курашдир, эндиликда бу кураш бир-бири блан рақобат қилаётган идеологияларда ўз ифодасини топмоқда» деди.

Иден, асдда, прогрессив идеяларнинг халқлар учун ғоят катта жозибадорлик кучига эга эканлигини э'тироф қилиб, «биз (я'ни «Ғарб». — **Редакция**) коммунизмни ёлғиз қурол кучи блангина тийиб туролмаймиз ва уни даф' этаолмаймиз» деди. «Ҳозирги пайт, — деди у, — ҳарбий жиҳатдан тийиб туришдан кўра сиёсий маорифни кўпроқ талаб этади».

Иден, Ғарб «ўз сиёсатини илгариги душманлигини тиклаш ёки янги душманчиликни авж олдириш асосида юргизиш ниятида эмас» деб да'во қилиб, сўнгра «совет усул идораси» ҳақида душманчилик руҳида гапирди ва Британия мустамлакачи империясида мавжуд бўлган тартибни унга қарама-қарши қилиб қўйди.

Иден тамом бўлган Англия-Америка музокараларига тўхталиб, «иттифоқларни сақлашга» ва мумкин бўлган ҳолларда, «мақсад бирлигини э'лон қилишга» чақирди.

АҚШ ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИ ҚУРОЛЛАНТИРМОҚДА

ПХЕНЬЯН, 3 февраль. (ТАСС). Сеул радиосининг хабар қилишича, Қўшма Штатлар Жанубий Кореяга иккита эсминс юборган. Ҳар иккала кема ҳозирдаёқ лисинманчилар флоти составига киритилган.

СОВЕТ ТЕХНИКА МУТАХАССИСЛАРИНИНГ ҲИНДИСТОНДА БЎЛИШИ

ДЕҲЛИ, 3 февраль. (ТАСС). «Хиндустан стандард» газетасининг хабарига қараганда, Ҳиндистондаги тегишли муассасаларнинг таклифига биноан Ҳиндистонга келган совет нефтчи мутахассислари, геологлари ва кончилик мутахассисларидан бир группаси мамлакат бўйлаб қилаётган сафарини тамомламоқда. Бу сафар вақтида совет мутахассислари турли саноат об'ектлари блан ва геология разведкалари ўтказиладиган районлар блан танишдилар. Совет мутахассислари Калькуттага жўнайдилар. Улар бу ерда доклад тайёрлаб, уни февраль ойининг охирларида Ҳиндистон ҳукуматига тақдим этадилар.

КОРЕЯ МАРКАЗИЙ ТЕЛЕГРАФ АГЕНТЛИГИНИНГ РАДДИЯСИ

ПХЕНЬЯН, 3 февраль. (ТАСС). Корея Марказий телеграф агентлиги билдиради: Америкада чиқадиган «Ридерс дайжест» журналининг январь сонида Армстронгнинг мақоласи босилди. Армстронг, корейс-хитой томони Кореяда яраш тўғрисидаги битимни бузди, деб уларни асоссиз айблади ва КХДРнинг шимолий қисмида совет ва мўғул қўшинлари жойлашган, деб да'во қилади.

Корея Марказий телеграф агентлиги «Ридерс дайжест» журналининг ана шу хабари бошдан-оёқ уйдирма эканлигини айтишга вакил қилинган. Бу мақола АҚШдаги шундай доиралар томонидан ёзилганки, дейилади Корея Марказий телеграф агентлигининг раддиясида, бу доиралар яраш тўғрисидаги битимга путур етказишга ва бу битимнинг бажарилишини кузатиб турувчи бетараф мамлакатлар комиссиясининг обрўсини тўкишга, лисинманчилар тўдасини янада кўпроқ қуроллантиришга, Жанубий Кореяда америка армиясини узоқ вақт қолдиришга ва халқаро кескинликни кучайтишга халақит беришга уринмоқдалар.

ҒФРДА РЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ

БОНН, 3 февраль. (ТАСС). Кеча Бундестагда ҳарбий мақсадлар учун ер участкалари блан та'минлаш тўғрисидаги қонун проекти биринчи марта ўқиб чиқилди.

Шу қонун проектини муҳокама қилиш вақтида, жумладан, депутат Шмидт (Германия социал-демократик партияси) сўзлади. У айтдики, Ғарбий давлатларнинг Германия Федерал Республикасидаги қўшинлари ихтиёрида 150 минг гектар ер майдони бор. Ҳозирги ма'лумотларга қараганда, деди у, ташкил этилаётган ғарбий герман армияси учун яна 220 минг гектар ер майдони талаб қилинади.

Шмидт яна шуни ҳам билдирдики, ғарбий герман армияси учун 380 та янги казарма, 200 та полигон, 15 та ҳарбий та'лим лагери ва 10 та аэродром қуриш талаб этилади.

Сўнгра ҒФР мудофаа министри Бланк сўзлаб айтдики, ташкил этилаётган армия учун 350 та янги казарма талаб этилади ва ҳарбий та'лим полигонлари, отиш жойлари ва лагерлар ташкил этмоқ учун «атиги» юз минг гектар ер майдони талаб қилинади.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

Пионерлар саройининг 20 йиллиги

Пойтахтнинг Карл Маркс, Ленин, Сталин, Самарқанд кўчалари оралиғида гўзал бир боғ бор. Бу ердан ўтган ҳарбир киши бу боққа —бахтли болалар саройига албатта бир назар ташлайди. Сиз пионерлар саройига юзлаб ўғил-қизларнинг эртаю-кеч кириб-чиқиш аётганликларини кўрасиз, қувноқ қўшиқлар эшитасиз.

Бундан 20 йил илгари бу жой Тошкент пионерлари ихтиёрига топширилган эди. Эндиликда пионерлар саройи ўзининг 20 йиллик юбилейини ўтказмоқда.

Тўгараклар машғулотида шаҳардаги деярли ҳамма мактабларнинг ўқувчилари қатнашмоқдалар. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитучи Евгения Иосифовна Москалева раҳбарлик қилаётган моҳир қўллар тўгарагида қизлар нафис гуллар тикиш сан'атини ўрганмоқдалар. Тошкентга меҳмон бўлиб келган Умумиттифоқ тинчлик комитетининг раиси, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Сталин мукофоти лауреати доктор Сайфиддин Китчлу саройда Тошкент пионерлари блан учрашди. У моҳир қўллар тўгарагида ҳам бўлди. Сан'аткор қизлар ўринларидан туриб, азиз меҳмонни ҳурмат блан кутиб олдилар. Сайфиддин Китчлу ўзбек қизларининг нафис гуллар тикишга ўрганаётганидан хурсанд бўлди, уларнинг сан'атига қизиқди, саволлар берди. Тўгарак а'золари тинчликнинг актив курашчисига улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ипак гуллар блан тикилган катта портретини тақдим қилдилар. Сайфиддин Китчлу бу совғани ўзи блан доим бирга сақлашини айтди ва қизлар блан расмга тушди.

Саройда ганч — ўймакорлик, ҳурадгорлик, радио, авиамодель, хореография каби 44 тўгарак мунтазам ишлаб турибди. Дурадгорлик тўгараги а'золари ўртоқ Руднех раҳбарлигида стул, этажерка ишлайдиган бўлиб қолдилар. Шу тўгарак а'зоси Исроил Турғунов стол, шифанер ясашга ҳам ўрганмоқда.

Радио тўгарагидаги ҳаваскор қиз Эркина Ну'монова эндиликда радио-приемникларнинг бузилган қисмларини тузатаолади.

Бу — ёшларнинг мутахассисликка, келажак практик ишларга тайёрланаётганликларини кўрсатади.

Ганч — ўймакорлик тўгарагининг а'золари (раҳбари ўртоқ Мақсуд Усмонов) ХХ йиллик юбилейга 16 иттифоқчи республиканинг Давлат гербини ишладилар ва буларни юбилей виставкасига қўйдилар.

Саройда тарбияланган юзлаб ўғил-қизлар ҳозир моҳир сан'аткор ва бошқа касб эгалари бўлиб етишдилар. Ленинградлаги опера ва балет театрининг солисти, Сталин мукофоти лауреати Бела Калида ҳам шу ердаги хор тўгарагида тарбия олган. У, яқинда саройга меҳмон бўлиб келди ва шарафли касб эгаси бўлиб етишишида кўрсатган катта хизматлари учун тарбиячиларга, ўн йиллан буён директорлик қилаётган Вера Владимировна Роюкка ташаккур айтди. Моҳир қўллар тўгарагида ҳунар ўрганаётган чевар қизлар Бела Калидага ўзлари тиккан чаманда гул дўпписидан бирини кийдириб юбордилар.

Лондонда, Деҳлида, Рэнгунда ажойиб концертлар бериб, катта муваффақият қозонган Гулнора Маваева ҳам, Бухаростда бўлиб ўтган Ёшлар ва студентлар жаҳон фестивалининг лауреати Қундуз Миркаримова ҳам шу ердаги сан'ат тўгарагида та'лим олганлар.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, талантли рассом Сам'и Абдуллаев ҳам ўзининг ижодий йўлини мана шу ердан бошлаган. Сарой болаларни турли касбларга ўргатиш блан бирга, дўстлик марказларидан бириндир. Бу ерга жуда кўп жойлардан ҳатлар келиб туради. Тинчликсевар мамлакатларнинг болалари Совет Шарқидаги болаларга ҳат ёзар эканлар, аввало И. В. Сталин номидаги мана шу пионерлар саройига йўллайдилар. Ҳатлар меҳр-муҳаббат ҳислари блан тўлиб-тошган.

20 йиллик юбилей муносабати блан мамлакатимизнинг ҳамма томонларидан пионерлар саройига жуда кўп телеграммалар келмоқда.

Тошкентдаги Молотов номли медицина институтининг студенти, саройдаги тўгаракларнинг советининг илгариги раиси Эла Иноземцова бундай дейди:

— Мен мактаб ўқучиси эканман, кўп йиллар давомида шу ердаги тўгаракларда қатнашдим, сан'атга бўлган муҳаббатим ошди. Саройда бўлган йилларимни умр бўйи ҳечқачон унутмайман.

Пионерлар саройида ленинчи авлод ажойиб талант эгалари бўлиб ўсмоқда. Уларнинг ўсиб Ватанимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишишлари учун ҳамма шароит яратиб берилган.

Бугун Тошкент пионерларининг катта байрами. Улар ўз севимли саройларининг 20 йиллик юбилейи кунида жонажон Коммунистик партиямизга, Совет ҳукуматимизга чин юракдан ташаккур айтадилар. Улар бугун Алишер Навоий номли ўзбек давлат опера ва балет театрига саройнинг 20 йиллигини тантанали равишда нишонлаш учун йиғилишадилар ҳамда бахтли ёшлик ҳақида баралла қўшиқ айтадилар.

Ю. МИРЗАЕВ.



Суратда: И. В. Сталин номидаги Пионерлар саройи қўл-ҳунар тўгараги а'золарининг машғулоти.

Р. Альбеков фотоси.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/II да кундуз **Алишер Навоий**, кечқурун **Чин муҳаббат**, 7/II да **Қутлуғ қон**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/II да кечқурун **Етти гўзал**, 7/II да **Кармен**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/II да кечқурун **Фарҳод ва Ширин**, 6/II да **Муқимий**.

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» кинотеатрларида — кундуз ва кечқурун янги бадиий фильм **Педагогик поэма**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз соат 4 ва кеч 5 да **Бирма Иттифоқининг Бош Министри У Ну Совет мамлакатида.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
5 февральда
ИККИ
концерт
Концертларда: Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Фотима Борухова**, Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ма'муржон Ўзоқов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Гавҳар Раҳимова, Муҳамаджон Мирзаев, Наби Ҳасанов, Жалол Асимов**, эстрада солисти **Башорат Хўжаева**, «Баҳор» хотин-қизлар хореография ансамбли ва бошқалар қатнашади.
Концертлар кундуз соат 1 да ва кеч 8 яримда бошланади.

Олмазор кўча, 117-нчи уйда туручи **Ася Иосифовна Якубованинг** Ўзбекистон кўчаси, 116-нчи уйда туручи Михаил Яковлевич Ягудаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Сталин район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
Бугун ва ҳар куни
қизиқчилар кечаси
СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИ
иштироки блан
КАТТА ТАМОШАЛАР.
Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Билетлар эрталаб соат 11 дан сотилади.

«КИНОПРОКАТ»
ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
КИНОУСТАНОВКАЛАРНИНГ ЭКРАНЛАРИДА КЎРСАТИШ УЧУН
Меҳмондўст Бирма ерида
НОМЛИ ЯНГИ РАНГЛИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ ЧИҚАРАДИ
Бу фильм — СССР Министрлар Советининг раиси **Н. А. Булганин** ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси **Н. С. Хрушчевнинг** Бирма Иттифоқида бўлишлари ҳақида.
Ҳужжатли фильмлар Марказий студияси 1955 йилда ишлаган.

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 1-нчи Қизилбўрчак проезд, 13-нчи уйда туручи **Собит Тўхтахўжаевнинг** Чкалов шаҳар, Нижегородская кўча, 45-нчи уйда туручи Ольга Александровна Федченкодан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Москва район, 3-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136 Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135 Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 00635. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1366.